Инв. № 8
Гос. книжная палата УзССР
6 МАЙ 1985

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 104 (19.180). ● 1985 йил 5 май, якшанба ● Баҳоси 3 тийин.

• БУГУН — СОВЕТ МАТБУОТИ КУНИ

Газета — коллектив пропагандист ва коллектив агитаторгина эмас, шунингдек, коллектив ташкилотчи ҳамдир.

В. И. ЛЕНИН

ФАКТЛАР... РАҚАМЛАР

● Бизнинг мамлакатимизда марксизм-ленинизм классиклари асарларини нашр қилишга катта аҳамият берилади. Совет ҳокимияти йилларида В. И. Ленин асарлари умумий тиражи 600 миллиондан зиёд нусхада жаҳон халқларининг 120 тилида босилди. Карл Маркс ва Фридрих Энгельс асарлари 97 тилда босилиб, уларнинг тиражи 120 миллион нусхадан ошиб кетди.

● Ҳозирги пайтда бизда ҳар йили 2 миллярддан зиёд нусхада 80 мингта китоб ва брошюра нашр этилади. Умуман олганда, Совет ҳокимияти йилларида 60 миллярддан ортиқ нусхада қариб 3,5 миллионта китоб ва брошюра чиқарилди. Улар 162 тилда босилган.

● Ватанимизда 8 мингтадан кўпроқ газета нашр қилинади. Уларнинг тиражи 181 миллион нусхани ташкил этади. Журналлар ва вақтли нашрлар (уларнинг сони 5 мингтадан кўп)нинг йиллик тиражи — 3,2 миллярд нусхадир.

● Ҳозир ҳар бир оилага 6 тадан ортиқ вақтли нашр тўғри келмоқда. Улар Совет Иттифоқи халқларининг 55 тилида нашр этилмоқда.

● Мамлакатимизда 200 дан ортиқ нашриёт ва 3 мингта босмахона бор. Марказий газеталар 50 дан зиёд аҳоли пунктларида босилади. Уларнинг кўпчилигига газеталар фототелеграф орқали узатилади.

● Оммавий ахборот воситалари системасида юз минг журналист ва 6 миллион штатсиз мухбир ишламоқда.

● Газеталар редакциялари ҳар куни ўқувчилардан қарийб 200 мингта хат олади.

● Мамлакатимизда чиқарилаётган барча китобларнинг қарийб учдан бир қисми болалар ва ўсмирларга мўлжалланган.

● СССРда рус ва совет адабиёти классикларининг асарлари жуда катта тиражда босилади. Ҳар йили 2 мингдан зиёд чет эл муаллифларининг асарлари таржима қилиниб, нашр этиляпти.

(СОВЕТ МАТБУОТИ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН МАТЕРИАЛЛАРНИ ГАЗЕТАНИНГ 2-САҲИФАСИДА ЎҚИЙСИЗ).

В. И. Ленин Кремлдаги кабинетида. 1918 йил, октябрь. ТАСС фотохроникаси.

МАТБУОТ КУНИ ШАРАФИГА

4 май куни Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Матбуот кунига бағишланган байрам бўлди. Байрамда республика оммавий ахборот воситаларининг ходимлари, Тошкент ва пойтахт области жамоатчилигининг намояндалари иштирок этдилар. «Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори Л. П. Қаюмов доклад қилди. Сўзга чиққан нотиқлар республика матбуот ходимлари, ишчи ва қишлоқ мухбирлари КПСС XXVII съездига тайёргарлик ишига, партия Марказий Комитети апрель Пленумининг қарорларини рўёбга чиқаришга катта ҳисса қўшаётганликларини уқтирдилар.

Байрам қатнашчилари ветеран журналистлар билан учрашдилар, редакция коллективларининг фаолиятини, Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига тайёргарликда уларнинг иштирокини акс эттирувчи чиройли қилиб безатилган стендлар билан, китоб ва плакатлар кўргазмаси билан танишдилар. Саноат усталари катта концерт қўйиб бердилар, ҳужжатли ва қисқа метражли кинофильмлар намойиш қилинди, бадиий ҳаваскорлик коллективларининг томошалари, спорт мусобақалари бўлиб ўтди. (ЎзТАГ).

ҚАЛАМНИ НАЙЗАГА ТЕНГЛАШТИРИБ...

Ўзбекистон ижодий союзлари ва ташкилотлари правленеларининг Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган қўшма пленуми 4 май куни Тошкентда бўлиб ўтди.

Ёзувчилар, кинематографчилар, рассомлар, композиторлар, артистлар, архитекторлар, журналистлар тўпланган Кино уйи «Ғалаба» ордени тасвири, Ватан уруши давридаги плакатлар билан безатилган. Фронт қўшиқларининг унутилмас куйлари янграйди.

Фашизмни тор-мор келтириб, Европа мамлакатларини гитлерчилар қуллигидан озод этган, жаҳон цивилизациясини сақлаб қолган совет халқининг жасорати асрлар оша яшайверади. Бундан 40 йил муқаддам жуда катта қурбонлар эвазига қўлга киритилган Ғалаба — бу бизнинг тарихимизгина эмас. Бу — бизнинг эртанги кунимиз. Бу — истиқболимиздир.

Йиллар, ўн йилликлар ўтади, ижодий ходимларнинг янги авлодлари ҳаётга қадам қўяди, лекин ана шу Ғалабани қўлга киритганларнинг солдатлик ва меҳнат жасорати мардлиги мавзуси битмас-туганмасдир. Ватанпарварлик, Ватанга садоқат, Коммунистик партияга садоқат мавзуи абадий мавзудир.

Уруш йилларида адабиёт ва санъат арбоблари солдатлар сафида бўлдилар. Бугун эса Ғалаба байрами арафасида илк миннатдорчилик сўзларимизни уруш ва меҳнат ветеранларига айтамиз. Улар орасида сапер ва рассом Совет Иттифоқи Қаҳрамони Самиҳ Абдуллаев, узоқ масофага учадиган авиация учувчиси ва ёзувчи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Борис Тихомолов, сапер ва архитектор Абдулла Бобохонов, Словакияда партизанлар отрядининг жангчиси, архитектор, Чехословакиянинг «Жанговар крест» ордени кавалери Владимир Филимонов, оддий солдат ва композитор Шариф Рамазонов ва бошқалар бор. СССР халқ артисти Малик Қаюмов урушнинг оғир йўлларида кинокамера ва автомат билан одимлади. У яратган фильмлар Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш учун эҳтиросли даъватга айланди.

Улуғ Ватан уруши йилларида ёзувчи ва шоирлар Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Зулфия, композиторлар Мухтор Ашрафий, Юнус Ражабий, Сергей Василенко, Алексей Козловский, Толибжон Содиқов, рассомлар Ўрол Тансиқбоев, Виктор Уфимцев, Владимир Кайдалов ва бошқа кўплаб адабиёт ва санъат усталари яратган асарлар ҳозир ҳам кишини ҳаяжонга солади. Ўзбекистон артистларининг 30 дан ортиқ бригадаси ҳарбий қисмларга бориб, қизил аскарлар ва денгизчилар учун юзлаб концертлар кўрсатдилар.

Уруш йилларида Ўзбекистонда бошпана топган рус адабиёт ва санъат арбоблари совет халқи жасорати солномасига кўплаб ёрқин саҳифалар қўшдилар.

Республика ижодий союзлари ва ташкилотлари правленеларининг қўшма пленумидаги нутқлар, жўшқин шеърлар, қўшиқлар, ветеранларнинг хотиралари ана шу солноманинг янги саҳифалари бўлиб қолди.

Ер юзида тинчлик бўлсин! Ўзбекистон ижодкор зиёлилари Советлар мамлакати кўп миллатли маданиятининг барча арбоблари каби Ленин партиясининг улуғ идеалларини қарор топтиришни, партия ўтказиб келаётган тинчлик ва бунёдкорлик йўлини қатъий қўллаб-қувватлашни ўз бурчи, деб ҳисоблаётганликлари пленумдаги нутқларда ўзининг яқдол ифодасини топди.

Маданият арбоблари КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми қарорларини қизғин маъқуллаб, партия XXVII съездини совет кишисига — коммунизм бунёдкорига муносиб янги илҳомбахш асарлар яратиш билан кутиб олишга қатъий аҳд қилганлар.

Республика ижодий союзлари ва ташкилотлари правленеларининг пленумида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатлар И. Б. Усмонхўжаев, Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуротов, В. П. Анишчев, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. К. Михайлов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Ҳ. А. Шоғазатов, Т. А. Алимов, Н. М. Маҳмудова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари В. Г. Духанин, Ғ. З. Заҳриддинов, С. У. Султонова, А. Р. Хўжаев иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА ЛЕНИН МУКОФОТИ ВА СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДАН

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Фан ва техника соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофотлари комитети 1985 йилги СССР Давлат мукофоти олиш учун конкурсда иштирок этишга қўйган 84 илмий иш ва 12 дарслик рўйхати эълон қилинди. Улар орасида республикамиз намояндалари ҳам бор.

П. Ҳабибуллаев, А. А. Кист, В. Н. Сидоров, М. Абдуқаюмов, В. А. Ларченко, А. П. Портянко, Ю. С. Скоблов, А. Д. Аммосов, М. П. Гришаев, В. В. Самуков, Р. Н. Маслова. «Физик-химик биология учун фосфор-32 билан нишонланган бирикмалар ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқанликлари ҳамда уни саноат йўли билан ишлаб чиқаришни ташкил этганликлари учун». Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти тақдим этган.

В. Т. Иванов, В. Ф. Бистров, В. И. Цетлин, Е. В. Гришин, Б. О. Тошмуҳамедов, В. К. Лишко, Г. Н. Можаева, Б. И. Худий-Ходоров. «Нейротоксинлар асаб импульслари генерациясининг молекуляр механизмларини тадқиқ этиш қуроли сифатида» (туркум ишлари учун). СССР Фанлар академиясининг М. М. Шемякин номидаги Биоорганик химия институти тақдим этган.

Г. М. Рудаков, Р. И. Бойматов, В. А. Сергиенко, П. М. Гильштейн, З. Г. Сонис, М. Е. Красильников, В. Ф. Горбов, М. И. Шабалин, Т. Ж. Кожақулов. «Ғўза майдонларини икки ярусли қилиб ҳайдаш учун плуглар ишлаб чиққанликлари, уни ишлаб чиқаришни ўзлаштирганликлари ҳамда жорий этганликлари учун». ВАСХНИЛ Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти тақдим этган.

В. Л. Аранович, Б. П. Булатов, В. Ю. Деди, Г. Г. Козлов, В. А. Максимов, Б. Ф. Сусликов, В. Я. Нагорний, У. М. Носиров, Л. Ф. Пономарев, С. А. Пономарев, Ю. В. Реуцкий, А. И. Шилов. «Ҳаракатланувчи катта сиғимли идишлардаги рангли металлар миқдорини автоматик йўсинда аниқлаш учун радиоизотоп яратганликлари ва унинг асосида рудани саралаш ҳамда сифатини бошқариш жараёнларини жорий этганликлари учун». В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинати билан СССР 60 йиллиги номли Зиряновск қўрғошин комбинати тақдим этган.

Комитет бу рўйхатни эълон қилар экан, илмий ва илмий-техника жамиятларининг, илмий муассасалар, корхона ва ўқув юртларининг раҳбарларидан мазкур ишлар ва уларнинг авторлар коллективларини жамоат муҳокамасидан ўтказишни сўрайди. Ишлар ҳамда авторлар коллективлари юзасидан барча фикр-мулоҳазалар, муҳокама материалларини шу йил 15 августдан кечиктирмай қуйидаги адресга юбориш лозим. 125047, Москва А-47, 3-Тверская-Ямская кўчаси, 46-уй.

МАМЛАКАТ АЛОҚАЧИЛАРИ БАЙРАМИ

Совет алоқачилари халқ хўжалиги ва аҳолининг алоқа хизматига бўлган эҳтиёжларини ғоят тўла-тўкис қондиришни, хизматнинг бу тури сифатини оширишни бош вазифа деб ҳисоблайдилар. КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг қарорлари тармоқнинг ҳамма бўғинлари фаолиятини яхшилашга янги қудратли омил бағишлади. Пленум қарорлари меҳнат коллективларини план топшириқларини муваффақиятли бажаришга, ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлашга, уюшқоқлик, интизом ва тартибни мустаҳкамлашга даъват этди.

Радио кунига, алоқа барча тармоқларининг профессионал байрамига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчилари мамлакатнинг алоқа системаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳақида гапирдилар. Йиғилиш 3 май куни Москвада, Союзлар уйининг Колонна залида бўлиб ўтди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Советининг масъул ходимлари, бир қанча министрлик ва идораларнинг раҳбарлари, олимлар, ҳарбий бошлиқлар, ишлаб чиқариш илғорлари, пойтахт жамоатчилигининг намояндалари ҳозир бўлдилар.

СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси С. Г. Лапин доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари халқ хўжалигининг шу муҳим соҳасини муваффақиятли ривожлантириш учун сабот билан курашишга ваъда бердилар. (ТАСС).

Республика областларида чигит экишнинг бориши тўғрисида шу йил 4 майга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда экилган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

ТОШКЕНТ	—	100,2
ҚАШҚАДАРЁ	—	100,2
АНДИЖОН	0,1	100,2
СУРХОНДАРЁ	—	100,0
БУХОРО	—	100,0
НАМАНГАН	—	100,0
СИРДАРЁ	—	100,0
ФАРҒОНА	—	100,0
САМАРҚАНД	—	100,0
Жиззах	—	99,2
Хоразм	0,7	98,9
Навоий	—	96,8
ҚҚАССР	4,2	64,3
Республика бўйича	0,4	96,9

БАЙРОҚДОР МАГИСТРАЛ

ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛИ МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Май байрамлари арафасида Ватанимиз пойтахти Москвадан хушхабар олинди. Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси биринчи квартал якунларига кўра Ўрта Осиё темир йўли ғолиб чиқди. Магистрал СССР Темир йўллар министрлиги ва темир йўл транспорти ҳамда транспорт қурилиши ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди. Магистралнинг Қорақалпоғистон бўлинмаси, Андижон—I, Тошкент пассажир станциялари ва Андижон вагон депоси коллективлари ҳам кўчма Қизил байроқ билан мукофотланишди.

Бухородаги йўл машиналари 17-станцияси, Қўқон юк ортиш-тушириш ишлари механизациялашган дистанцияси, Урганч станцияси, Андижон локомотив депоси ва бошқа коллективлар ҳам темир йўлчилар мусобақасида иккинчи ҳамда учинчи мукофотли ўринларга лойиқ кўрилди. Байроқдор магистралчилар биринчи кварталдаги муваффақиятларини мустаҳкамлаб, тўрт ойлик топшириқларини ҳам муддатидан илгари бажардилар.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

ҒАЛАБА БАЙРАМИГА—МЕҲНАТ БАЙРАМИ

СОВЕТ КИШИЛАРИ БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН КОММУНИСТИК ШАНБАЛИКДА ЗАРБДОРЛАРЧА МЕҲНАТ ҚИЛДИЛАР

Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги куни — 4 май Буюк Ғалабанинг сўнмас нуридан баҳра олган илҳомбахш меҳнат байрамига айланди. Миллион-миллион совет кишилари бўлажак шонли юбилейни юксак ютуқлар билан нишонлаш, байрам салютининг зафарли гумбурлашини эшитишга мушарраф бўлмаган, ҳозирги ва келажак авлодларнинг озодлиги ва бахт-саодати учун жон берган кишилар хотирасига ҳурмат бажо келтириш учун иш жойларига, шаҳар ва қишлоқларни обод қилишга чиқдилар.

Партиянинг XXVII съездини чақиришга қарор қилган КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми қарорлари меҳнаткашларнинг ижодий активлигига, социалистик мусобақани кенг қулоч ёздиришга қудратли омил бахш этди. Коммунистик шанбалик совет кишилари партиянинг тинчликсевар сиёсатини астойдил қўллаб-қувватлаётганликларини, уларнинг олға томон ҳаракат қилиш суръатларимизни жадаллаштиришга, социалистик Ватан қудратини мустаҳкамлашга интилаётганликларини яна бир бор намойиш қилди.

ВЦСПС МАРКАЗИЙ ШАНБАЛИК ШТАБИНИНГ МАЪЛУМОТНОМАСИДАН:

РСФСР, Москва вақти билан, соат 8.00.

Олти ярим миллиондан кўпроқ москвалик эндигина ишга киришган шу тонгги соатда Приморье ўлкаси меҳнатчиларидан 10,75 минг киши 14,5 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарган эди. **Соат 12.00.** Россия Федерациясининг ишлаб чиқаришда машғул бўлган ишчилари, хизматчилари, қишлоқ меҳнатчиларидан 42,2 миллион киши тушгача кўп миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди, иш куни охиригача эса Ватанга 560 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот бериш мўлжаллаб қўйилди.

Украина ССР, соат 13.00.

Шу соатгача олинган хабарларга қараганда, республиканинг 12 миллион меҳнатчиси иш жойларида шанбалик ўтказди. Корхона ва ташкилотларнинг 620 дан кўпроқ коллективи, 760 минг меҳнатчи тежалган хом ашё, материал ва энергетика ресурслари ҳисобига ишлади. Шунинг ҳисобига 12,4 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш белгиланди.

Белоруссия ССР, соат 14.00.

Шанбаликда 5,5 миллион киши қатнашмоқда. Улар 36,3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Беш йиллик фондига олти миллион сўмликдан кўпроқ иш ҳақи ўтказилди.

Ўзбекистон ССР, Москва вақти билан соат 15.00 (маҳаллий вақт билан соат 18.00).

Республика далаларида қизғин иш давом этмоқда. Шу куни Жиззах ва Хоразм областларининг пахтакорлари чигит экишни тамомладилар. Ўзбекистон меҳнатчиларидан тўрт миллиондан кўпроқ киши бугун иш жойларига чиқиб, шанбаликни ана шундай конкрет ишлар билан нишонладилар. Улар 46 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқардилар. Жами маҳсулотнинг қарийб учдан бир қисми халқ истеъмоли моллари бўлди.

(ТАСС).

4 МАЙДАГИ БУТУНИТТИФОҚ КОММУНИСТИК ШАНБАЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИОНЛАБ МЕҲНАТКАШЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИЛАР

Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг индустриал қиёфасини белгилаб бераётган ўнлаб қудратли заводлар айни ўша уруш йилларида умумий ғалаба ишига ўз ҳиссасини қўшиш учун бу ерга, мамлакат ичкарисига кўчириб келтирилганлигини ҳеч қайсимиз унутганимиз йўқ. Қозоғистон, Сибирь, Урал, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистонда бўлгани каби бу ерда ҳам фашизм бедодлигидан бошига кулфат тушган юз мингдан хотин-қизларга, қариялар ва болалар бошпана ва нон топганликларини, бу диёрда ғалаба учун пахта ва лавлаги етиштирилганлигини, солдатларга либос тикиб, госпиталлар учун дока тўқиганини, офицер ва солдатларни ҳарбий маҳоратга ўргатганликларини, ярадорларни даволаганликларини унутганимиз йўқ. Энг муҳими эса, ана шу шаҳарлар ва қишлоқлардан минг-мингглаб жангчилар фронтга жўнаб кетганликларини, жўнаб кетиб қайтмаганликларини ҳеч қайсимиз унутганимиз йўқ.

Биз ана шу миннатдор хотира белгиси сифатида, улуғ ишга содиқлик белгиси сифатида 4 майни заводлар ва қурилишларда, далалар ва фермаларда, қишлоқлар ва шаҳарларда меҳнат билан ўтказдик.

«РОСТСЕЛЬМАШ»-708-ЗАВОДИ — «ТАШТЕКСТИЛЬМАШ»

Александр Яковлевич бу кунга алоҳида пухталик билан ҳозирлик кўрди. «Таштекстильмаш» заводининг ветеранларидан бири — слесарь А. Соловьев 1941 йилнинг октябридаёқ кўчирилган «Ростсельмаш» заводи эшелонлари билан Тошкентга келган эди. У ўша унутилмас кунлардан ҳозиргача жонажон коллективида меҳнат қилмоқда.

Александр Яковлевич бундан қирқ йилдан кўпроқ муқаддам бўлгани каби қуйиш цехига келиб, ўзининг одатдаги ишини бажаришга киришди: барча қуювчилар — меҳнат байрамининг қатнашчилари энг юқори унумдорлик билан ишлай олишлари учун ўзига ишониб топширилган ускунанинг узлуксиз ишлаб туришини таъминладилар.

«Узбектекстильмаш» бирлашмасининг бутун коллективи Ғалаба шарафига зарбдор вахтада турди. Машинасозлардан икки ярим минг киши тинчлик маҳсулотлари — мамлакатнинг тўқимачилик фабрикалари учун йигириш, пилталаш машиналари ва бошқа машиналарни тайёрладилар.

ЖАНГОВАР ШОН-ШУҲРАТ ВОРИСЛАРИ

Термиз гарнизонининг жангчилари Бутуниттифоқ шанбалигида фаол қатнашдилар: кундалик хизматни ўташдан ҳоли бўлган кишиларнинг ҳаммаси меҳнат байрамига чиқди.

Байрамнинг барча қатнашчилари зарбдорларча меҳнат қилдилар. Техникани янги ўқув даврига тайёрлаш борасидаги жами ишлар ҳажми тўла-тўкис бажарилди. Бўлинмаларнинг территориялари тозаланди, спорт майдончалари, гарнизон спорт залидаги анжомлар тартибга келтирилди.

ТИНЧ ДАЛАДА ВАХТА

Хўжайли районидаги Ленин номли колхозда шанбалик марказий кўрғонда қад кўтариб турган солдатлик шон-шуҳрати обидаси пойига гуллар қўйишдан бошланди.

Ғалаба байрами шарафига алоҳида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишди.

Барча бригада ва звеноларнинг зарбдорларча иши хўжалик коллективининг 4 май куни чигит экишни батамом тугаллашига имкон берди.

ҒАЛАБА БОҒИНИ БАРПО ЭТИШДИ

Бухоро районидаги «Ленин йўли» колхозида Улуғ Ватан урушининг ветерани Файзулло Оллоев ўн нафар ўғли билан коммунистик шанбаликка чиқди. Механизатор, бинокор, бригадир ва бошқа касблардаги ўн ўғлоннинг ҳаммаси ҳалол меҳнат қилишмоқда.

Тўртинчи май куни эрталаб уларнинг барчаси бирғаликда азим боғ бунёд этгани келишди.

Ушбу колхоздан икки юз икки нафар киши фронтга жўнаб кетди. Улардан атиги 40 киши қайтиб келди. Оллоевлар оиласи Ғалаба боғи деб ном берган бу янги боғ мана шуларни эслатиб туради.

КУРСАНТЛАР МАРДОНА ИШЛАШДИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети номли Самарқанд олий ҳарбий автомобиль командирлари билим юртининг кўпчилик курсантлари мармар билан қопланган шинам икки қаватли бино ёнига келишди. Бу ерда беш кундан кейин, Ғалаба байрами куни жанговар шуҳрат музейи очилади. Бўлғуси офицерлар турли асбобларни олиб келиб, стендлар ўрнатишди, экспонатларни жойлаштиришди. Уларнинг ишига ветеран жангчи, музейнинг бўлажак экскурсоводи, запасдаги подполковник Иван Васильевич Важев бошчилик қилди. Виталий Саранча, Мурот Аширов, Владимир Максимов ва бошқа курсантлар жуда яхши ишлашди. Кўзга кўринарли жойда ўрнатилган стендда билим юртини битириб чиққан кишилар Афғонистон Демократик Республикасида хизмат қилаётган чекланган миқдордаги совет қўшинлари составида ўзларининг интернационал бурчларини қандай бажарётганликлари ҳикоя қилинади.

4 май куни Ўзбекистон ишчилари, деҳқонлари, хизматчилари Буюк Ғалаба шарафига ва хотирасига, тинчлик шарафига меҳнат қилишди. Бир неча ўн миллион сўмлик маҳсулот бепул тайёрланди, шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси чирой очди. Кўп иш бажарилди, вижданан меҳнат қилинди.

ЎзТАГ мухбирлари.

Б У Г У Н — СОВЕТ МАТБУОТИ К У Н И

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

МАТБУОТ, ТЕЛЕВИДЕНИЕ, РАДИО ОММАНИ УЮШТИРИШ ВА ТАРБИЯЛАШНИНГ, ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ТАЪСИРЧАН ВОСИТАСИДИР.

(КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми материалларидан).

Бизнинг справка

● УЗБЕКИСТОНДА 17 РЕСПУБЛИКА, 28 ОБЛАСТЬ, 9 ШАҲАР, 157 РАЙОН, 75 КЎП ТИРАЖЛИ ГАЗЕТА ЧИҚАДИ. УЛАРНИНГ БИР ГАЛГИ УМУМИЙ ТИРАЖИ 5 МИЛЛИОН 290 МИНГДАН ОРТИҚ.

● РЕСПУБЛИКАДА 48 ЖУРНАЛ, БИР ТЎПЛАМ, БИР АГИТАТОР БЛОКНОТИ, 36 ЖУРНАЛ ТИПИДАГИ НАШРЛАР ЧИҚАДИ. УЛАРНИНГ УМУМИЙ ТИРАЖИ 6 МИЛЛИОН 340 МИНГГА ЯҚИН.

● 1984 ЙИЛИ РЕСПУБЛИКАМИЗДА 22 МИНГ 436 НОМДАГИ КИТОБ 45 МИЛЛИОН 119 МИНГ 400 ТИРАЖДА НАШР ЭТИЛДИ.

ҲАЁТ КЎЗГУСИ

МУСОБАҚАДОШЛАР ТАШАББУСИ

Мухбир кетгач, Мукаррамхон ўйланиб қолди. «Марғилон ҳақиқати» газетасининг ходими Миродилла Мирзажонов унга ташаббус билан чиқишни таклиф қилганди. Мукаррамхон, табиийки, дарров рози бўла қолмади. Ахир ваъда бериш осон, аммо уни бажариш-чи?

— Ҳа, тинчликми, хаёл суриб қолибсиз?

Мукаррамхон дугонаси Лутфия ёнига келиб ўтирганини сезмай қолганди, қўриб хурсанд бўлиб кетди. Лутфия унинг яқин дугонаси, мусобақадоши эди. Ҳар икки тўқувчи нормадаги 5 та ўрнига 12 тадан дастгоҳни бошқарарди.

— Бизнинг иш тажрибамизни оммалаштиришар эмиш. Ҳайронман, мақташга арзигулик ишимиз борми, ўзи?

— Вой, нега бўлмасин, — деди Лутфия, — ахир узилган ипни улаш учун нормадаги 36 секунд ўрнига 20 секунддан кам вақт сарфлашингизни ўзи бир мактаб эмасми?

— Камтарлик қилмай қўяқолинг, — деди Мукаррам Лутфиянинг сўзини бўлиб, — сиз ҳам ҳар сменада нормадан ташқари 16—17 метрдан хон атлас тўқишга эришяпсиз-ку. Ўн бешлар ташаббусига Сиз қўшилсангиз бўлади.

Икки дугона сукутга чўмишди. Уларнинг ҳар бири ўз имкониятларини чамалаб кўрарди. Бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажариш осон эмас. Чунки, тўқувчининг иши дастгоҳларнинг мунтазам ишлаши, хом ашё таъминоти ва бошқа кўплаб факторларга бевосита боғлиқ.

— Юринг-чи, бу ёққа!

Лутфия дугонасининг «Қаёққа?!» дейишига эътибор бермай қўлидан ушлаганча судраб кетди. Улар дастгоҳлар оралаб устозлари Араббой Ёқубов ёнига боришди. Мураббий тўқувчи йигирма йил давомида шу цехда ишлайди. Цехдагиларнинг кўплари унинг шогирдлари. Лутфия Ашурова ва Мукаррамхон Каримовалар ҳозирги пайтда устозларидан ўзиб кетишган. А. Ёқубов уларнинг ютуқларидан қувонар, ёш ишчиларга ўзининг иш тажрибасини тинмай ўргатиб борарди.

Бу воқеа 1981 йилнинг январь ойида бўлиб ўтганди. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас «Марғилон ҳақиқати» шаҳар газетасида «Атлас» ишлаб-чиқариш бирлашмасининг тўқувчилари — М. Каримова, Л. Ашурова, А. Ёқубов, В. Мўйдиновларнинг «Ўн биринчи беш йилликда ўн уч йиллик норма» шиори остидаги ташаббуси эълон қилинди. Ушбу ташаббус область ва шаҳар комитетлари томонидан маъқулланди. кенг оммалаштиришга қарор қилинди.

Тўқувчиларнинг оташин даъвати газетада эълон қилингач, редакцияга ташаббус издошларидан кўплаб хатлар кела бошлади. Чунончи, эксперименталмеханика заводининг новатор ишчиси, коммунист Адҳам Азимов, ипак комбинати тўқувчилар бригадаси бошлиғи Ш. Суфьянов ана шулар жумласидандир. Ҳозирги пайтда ташаббускор тўқувчилардан бири М. Каримова 1992 йил ҳисобига ишлаётир. «Атлас» бирлашмасининг юздан ортиқ ишчиси эса ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқда. Газета саҳифаларида «Ташаббускорлар изидан», «Ташаббускорлар рапорт берадилар», «Илғор тажриба мактаби» каби қатор рубрикалар остида берилаётган материаллар меҳнат илғорлари сафининг кенгайиб боришида муҳим омил бўлаётир. Жумладан, ҳозирги пайтда шаҳар саноат корхоналарида меҳнат қилаётган 1175 ишчи 1985 йил 1 июль — республикамизнинг биринчи оқсоқоли И. Охунбобоев таваллудининг 100 йиллигига қадар шахсий беш йиллик планларини бажариш учун актив курашмоқда.

ТАРБИЯЧИ ВА ТАРҒИБОТЧИ

— Уруш бошланганида қисмингиз қаерда эди? — сўради Азизхон ака суҳбатдошига чой қуйиб узатар экан.

У қаршисида ўтирган қотмагина мўйсафид, 1924 йили комсомол сафига кирган Солижон ака Мирзаевни анчадан бери биларди. Бу киши Марғилоннинг биринчи маърифатчиларидан бўлиб, саводсизликни тугатиш йиллари катта хизмат кўрсатган, 46 йил педагоглик касбини ардоқлаган. Азизхон ака у ҳақда деярли ҳамма нарсани билса-да, бугун газетхонларга ветеран ҳаётининг ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган жанговар саҳифаларини баён қилишни мақсад қилиб қўйганди.

— 1941 йилнинг 22 июнида полкимиз Пруд дарёси соҳилидаги чегара шаҳарчасида турарди, — гап бошлади Солижон ака. — Ўшанда беш кун давомида мудофаа маррасини ушлаб турдик. Аммо кучлар тенг эмасди. Чекинишга тўғри келди.

«Марғилон ҳақиқати» газетасининг редактор ўринбосари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, шаҳар ветеранлар Совети уруш ветеранлари секциясининг раиси Азизхон Собиров Солижон аканинг ҳикоясини тингларкан, қоғозга нималарнидир ёзди-да, хаёлга чўмиб кетди. Суҳбатдошининг хотираси унинг кўз ўнгида ўша суронли йиллари қайта жонлантириб юборганди. Қулоғи остида душман снарядининг чийиллаб учиши, бомбаларнинг гумбурлаб портлаши эшитилгандек бўлди. Ҳа, у бу мудҳиш манзараларнинг жонли гувоҳи бўлган. Фронтдан уйига қўлтиқтаёқда қайтган.

Унинг ташаббуси билан Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги нишонланадиган йилда газета саҳифаларида ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга бағишланган материаллар кўпайди. «Ватанпарвар» ойлик саҳифаси, уруш ва меҳнат ветеранларининг хотиралари акс этган мақолалар газетхонларда зўр қизиқиш уйғотаётганлиги кекса журналистнинг ёшларга хос ғайратига берилган юксак баҳодир.

СССР Журналистлар союзининг аъзоси А. Собиров газета саҳифаларида партия қарорларини кенг пропаганда қилиш, социалистик мусобақани авж олдириш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга бағишланган қатор тематик қўш саҳифалар, саҳифалар, проблематик мақолаларнинг ижодкоридир.

«Марғилон ҳақиқати»нинг ижодий ходимлари партия сўзини оммага етказишда газетанинг таъсирчанлиги, оперативлигини ва жанговарлигини таъминлашда сидқидилдан ишламоқдалар. Газета саҳифаларида эълон қилинаётган ижтимоий ҳаётдаги камчилик ва нуқсонларни очиб ташловчи ўткир танқидий мақолалар ўз самараларини бераётир. Танқидий чиқишлар, айниқса, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин принципиал тус олди. Пленумдан сўнг ишлаб чиқаришдаги нуқсонлар, қўзбўямачилик ирофгарчилик, амалпарастлик, халқ мулкини талон-торож қилиш ҳолларини аёвсиз фош этувчи 50 дан ортиқ фельетон ва танқидий мақолалар эълон қилинди. Шуниси диққатга сазоворки, шаҳар партия комитети газетанинг танқидий чиқишларини доимо қўллаб қувватламоқда.

Баъзан айрим раҳбарлар газетанинг танқидий чиқишига юзаки жавоб йўллаб, редакцияни шу билан тинчлантирмоқчи бўладилар. Редакция ходимлари ана шундай жавобларни қайта текширишга одатланишган. Масалан, газетанинг шу йил 23 март сонида «Фельетондан кейинги луқма» рубрикаси остида «Ўрганган кўнгил ўртанса қўймайдими?» сарлавҳали мақола ёритилди. Унда газетанинг 1984 йил 16 ноябрь сонида босилган фельетондан камёб молларни ошириб сотган 9-савдо магазини ходимлари қандай хулоса чиқариб олганликлари юзасидан ўтказилган қайта текшириш якунлари баён қилинган эди. Маълум бўлишича, савдо идораси раҳбарлари юзаки жавоб йўллашган, аслида эса ўша магазинда ҳамон камёб молларни ошириб сотиш давом этаётган экан.

Газетанинг шу йил 6 апрель сонида «Иш вақти ишга» сарлавҳали рейд материали эълон қилинди. Шаҳар корхоналари прогулчилик, станокларнинг бекор туриши, маъмурият рухсати билан ишга келмаслик оқибатида 1984 йил мобайнида 1 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулотни кам ишлаб чиқарган.

Редакция ходимлари газета орқали шаҳарда моддий ва энергетика ресурсларини тежаш ойлигини ўтказиш ташаббусини бошлаб бердилар. Халқ назоратчилари ва жамоатчи мухбирлар эътибори тежамкорликка қаратилди. Ойлик давомида ана шу темада қатор материаллар бериб борилди. Газетанинг шу йил 18 апрель сонида эълон қилинган «Ирофгарчилик» сарлавҳали рейд материали ҳам ана шу темага тааллуқлидир. Тежамкорлик ойлиги ўзининг ижобий самараларини бераётир.

ЖАМОАТЧИ МУХБИРЛАРГА ТАЯНИБ

Газета редактори Алижон Шукуров бугунги почтани кўздан кечирар экан, редакция қошида ташкил этилган мухбирлар мактабининг тингловчиси А. Мирзаалиевнинг мактубини ўқиб, бир оз ўйланиб қолди. Мактубда 16-алоқа бўлими ходимлари «Ўзбекистон ССР 25 йиллиги» кўчасида истиқомат қилувчиларга газета ва журналларни икки-уч кун кечиктириб олиб бораётганликлари қайд қилинганди. Хатда жамоатчи мухбирдан ташқари ўша маҳалла аҳолисидан бир неча кишининг имзоси ҳам бор эди.

Редактор маданият бўлимининг мудири Мамадали Умаровни чақириб, унга хат билан танишишни таклиф қилди.

— Мухбирларимизга албатта, ишонамиз, — деди А. Шукуров унга, — лекин шундай бўлса-да, фактларни синчиклаб текшириб кўриш лозим. Иложи бўлса ҳозироқ бориб, текширинг-да, эртаги сонга мўлжалланган хатлар саҳифасига қўшиб юборинг.

«Марғилон ҳақиқати»нинг шу йил 28 февраль сонида «Қалампир» рубрикаси остида жамоатчи мухбир А. Мирзаалиевнинг «Янги ихтиро» сарлавҳали танқидий мақоласи босилиб чиқди. Бу кичик ҳажмли, аммо ўткир танқидий мақолада боқибеғам, масъулиятсиз О. Холиқова ва Ўлмасов каби алоқа ходимлари «нишон»га олинган.

Редакция коллективи ўз фаолиятида жамоатчи мухбирларга таяниб иш кўрмоқда. Редакция қошида 15 йилдан буён ишчи мухбирлар мактаби ишлаб турибди. Унинг собиқ тингловчилари орасида кейинчалик журналист касбини танлаганлари ҳам кўп. Ижодий коллектив газетхонларнинг хатлари билан ишлашга жиддий эътибор беради. 1981 йилда редакция газетхонлардан 950 та хат олган эди. Ўтган йили бу рақам 1320 тага етди. Шу йилнинг биринчи кварталида мобайнида эса газетхонлардан 350 га яқин мактуб олинди. Ана шу хатларнинг деярли 90 процента газета саҳифаларида ўз аксини топаётир.

«Марғилон ҳақиқати» газетаси полиграфик безатилиши бўйича республика кўрик конкурсида мунтазам равишда юқори ўринларни эгаллаб келяпти. Бунда Марғилон шаҳар босмахонаси коллективининг ҳам ҳиссаси бор, албатта. Босмахонада 6 та шаҳар, район ва кўп тиражли газеталар чоп этилади.

Босмахонада ишлаётган 56 кишидан 47 нафари «Коммунистик меҳнат зарбдори» унвонига эга. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, мураббий ишчи А. Дадабоев, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати И. Холбекова, область Совети депутати, ҳарф терувчи Р. Раҳматова, шаҳар Совети депутати, линотипчи О. Ҳусанова кабилар шулар жумласидандир. Аҳил коллективнинг фидокорона меҳнати туфайли шаҳар босмахонаси сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, бу соҳадаги план топшириқларини мунтазам равишда ошириб адо этишга эришаётир.

Шаҳар партия комитети ва шаҳар Совети ижроия комитети ўз газетасига раҳбарликни замон талаблари, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь, 1985 йил апрель Пленумлари қарорлари асосида олиб бориш билан бирга журналистлар ва матбаачиларнинг маданий-маиший ва уй-жой шароитларини яхшилашга ҳам жиддий эътибор бермоқда. Жумладан, келгуси беш йилликда шаҳарда замонавий янги «Матбуот уйи» қуриш планлаштириб қўйилди. У ишга тушгач, марғилонлик журналистлар ва матбаачиларнинг иш шароитлари янада яхшиланиши шубҳасиздир.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Суратда: (юқорида, чапдан ўнгга) «Марғилон ҳақиқати» газетасининг партия турмуши бўлими мудири А. Собиров, масъул секретарь Д. Мўминова, хатлар бўлими мудири А. Қодиров, газета мухбири М. Абдурахмонова ва маданият бўлими мудири М. Умаровлар газетанинг навбатдаги сони макетини муҳокама қилишмоқда.

Суратда: шаҳар босмахонасининг ишчиси, меҳнат зарбдори линотипчи Клара Розиқова иш устида.

Д. Бутуков фотолари.

ЖУРНАЛИСТЛАРГА МУКОФОТЛАР

СССР Журналистлар союзи правлениесининг секретариати СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг кўп нусхали **«Тракторостроитель» газетасига** оммавий ишларни энг яхши йўлга қўйганлиги учун М. И. Ульянова номли мукофот берди.

СССР Журналистлар союзи правлениеси секретариати 1984 йилда социалистик мусобақани энг яхши ёритганлиги учун ўтказилган Бутуниттифоқ конкурси якунларига кўра **«Наманганская правда»** область газетаси коллективини пул мукофоти ва СССР Журналистлар союзининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

СССР Журналистлар союзи правлениеси секретариати «Оталар жасорати — фарзандларга мерос» ҳарбий-ватанпарварлик мавзуини энг яхши ёритганлиги учун Бутуниттифоқ конкурсини таъсис этди. Конкурс якунларига кўра **«Наманган ҳақиқати»** область газетаси редакцияси коллективи иккинчи мукофотга сазовор бўлди ҳамда Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармаси, ДОСААФ Марказий Комитети ва СССР Журналистлар союзининг ёрлиқлари билан мукофотланди.

Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг секретариати 1984 йилда ўтказилган республика ижодий конкурсларига якун чиқарди.

Энг яхши журналистика ишлари конкурси юзасидан қуйидагиларга пул мукофотлари берилиб, Ўзбекистон Журналистлар союзи мукофоти лауреати нишони ва дипломи топширилади:

Алябьева Ирина Михайловна, «Экономика и жизнь» журнали редакциясининг бўлим редактори — журналда босилган «Экономиканинг қизғин нуқталари» ва «Тўхтаб, орқангга бир қара» мақолалари учун;

Вильчек Борис Владимирович ва **Ефимов** Юрий Павлович, «Ферганская правда» газетаси редакцияси бўлимларининг мудирлари — шу газетада эълон қилинган интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мавзуидаги мақолалар, репортажлар, корреспонденциялар учун;

Зоҳидов Фозил, «Совет Ўзбекистони» газетасининг Хоразм области бўйича мухбири — шу газетада партия турмуши ва коммунистик тарбиянинг актуал мавзуларида эълон қилинган мақолалар ва корреспонденциялар учун;

Қаюмов Мирғиёс ва **Ковалев** Анатолий Иванович, «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газеталари редакцияси бўлимларининг мудирлари — «Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми кўрсатмалари — дастуриламалимиз» рубрикаси остида эълон қилинган «Лоқайд томошабин бўлманг, одамлар!», «Лавозим ва бурч», «Қонунчиликни ҳамма жойда мустаҳкамлайлик» туркум мақолалар ва бошқа материаллар учун;

Мамасолиев Тўйчибой, Андижон область Бўз районидаги «Бўз ҳақиқати» газетаси редакциясининг қишлоқ хўжалик бўлими мудири — шу газетада «Минглар шартномаси» шартларини бажаришга бағишланган «Минглардан миллионларга» умумий сарлавҳаси остида эълон қилинган мақолалар туркуми учун.

Нейбург Владимир Ефимович — «Правда Востока» газетасининг Сурхондарё области бўйича мухбири — «Правда Востока» газетасида эълон қилинган «Коллектив пудратта кенг йўл!» очерки учун.

«Ёш ленинчи» газетаси редакциясининг бўлим мудири **Жўраев** Собиржон; «Ташкентская правда» газетаси редакциясининг бўлим мудири **Кружилина** Ольга Федоровна; Навоий область «Дўстлик байроғи» газетасининг редактори **Сатторов** Умид; республика радиоси пропаганда бош редакциясининг бош редактори **Тожибоев** Назирбой; «Экономика и жизнь» журналининг адабий ходими **Шолохов** Виктор Викторович; республика радиоси адабий-драматик эшиттиришлар бош редакциясининг катта редактори **Усмонов** Эркин Мирсоатович — актуал мавзулардаги материаллари учун Ўзбекистон Журналистлар союзининг дипломлари билан мукофотландилар.

«Пахтакорнинг олтин қўллари» шиори остида ўтказилган конкурс юзасидан «Ленин байрағы» республика газетаси, Ўзбекистон телевидениесининг «Ахборот» программаси коллективлари; «Ленин йўли» (Самарқанд), «Наманганская правда», «Хоразм ҳақиқати» область газеталари редакцияларининг коллективлари; «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» шаҳар газеталари редакцияси; Ленин районидаги «Ленин йўли» (Андижон области), Тошлоқ районидаги «Тошлоқ тонги» (Фарғона области), Чортоқ районидаги «Чортоқ ҳақиқати» (Наманган области) район газеталари редакцияларининг коллективларига Ўзбекистон Журналистлар союзининг пул мукофотлари ва дипломлари берилди.

«Наманган ҳақиқати» область газетаси, Москва район «Янги ҳаёт» газетаси (Андижон области) редакцияларининг коллективлари дала меҳнаткашларининг социалистик мусобақасини ёритишда актив иштирок этганликлари учун дипломлар билан мукофотландилар.

Ҳарбий-ватанпарварлик мавзуини энг яхши ёритганлиги учун конкурс якунига кўра «Комсомолец Узбекистана» газетаси редакцияси коллективига биринчи мукофот ва I даражали диплом; «Правда Востока», «Андижанская правда» газеталари редакциялари коллективларига иккинчи мукофотлар ва II даражали дипломлар; Бухоро район «Ленин байроғи» газетаси редакцияси, Охунбобоев район «Ленин йўли» газетаси редакцияси (Фарғона области), Косонсой район «Ленинчи» газетаси редакцияси (Наманган области) коллективларига учинчи мукофотлар ва III даражали дипломлар берилди.

Район, шаҳар ва кўп тиражли газеталарнинг редакцияларида оммавий ишларни яхши йўлга қўйганлиги учун М. И. Ульянова номидаги конкурс юзасидан Ўрта Чирчиқ район «Машъал» газетаси редакцияси (Тошкент области) коллективига биринчи мукофот ва I даражали диплом; «Социалистический Чирчиқ» шаҳар газетаси (Тошкент области) ва Самарқанд район «Шарқ тонги» газетаси редакциялари коллективларига иккинчи мукофот ва II даражали дипломлар; Боғот район «Ленин йўли» газетаси редакцияси (Хоразм области), Ворошилов район «Янги ҳаёт» газетаси редакцияси (Сирдарё области) коллективларига учинчи мукофот ва III даражали дипломлар берилди.

Конкурсда актив иштирок этганликлари учун Ғалаба район «Ленин йўли» ва Оржоникидзе район «Коммунизм тонги» газеталари редакциялари (Тошкент области) коллективлари дипломлар билан мукофотланди.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Имзосиз хатда Қарши давлат педагогика институтининг катта ўқитувчиси Р. Маллаевнинг ғайри қонуний ишлари тўғрисида ёзилган эди.

Текшириш якунлари педагогика институти касаба союз комитети мажлисида муҳокама қилинди.

Ректор буйруғига кўра Р. Маллаевга ҳайфсан эълон қилинди.

САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

— Пастдарғом районидаги «Москва» колхозида яшовчи А. Эркаевнинг аризаси область автомобиль трести томонидан кўриб чиқилди.

«Москва» колхозини район маркази — Жума билан боғловчи янги автобус маршрути очилди.

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТЬ ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ:

— М. Ўроловнинг хатида баён этилган фактлар тасдиқланди. 4-ҳунар-техника билим юртининг Пешагор қишлоғидаги филиалида таълим-тарбия ишлари бўшаштириб юборилган. Ишлаб чиқариш таълими бўйича мастер Худойбердиев, кассир Йўлдошев лавозимларидан четлаштирилдилар. Билим юртининг бошқа масъул ходимлари ҳам қаттиқ жазоландилар.

Текшириш якунлари область ҳунар-техника таълими бошқармасининг кенгайтирилган Советида кўриб чиқилди.

ХАЗОРАСП РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

— Райондаги «Техника» магазини айрим савдо ходимлари ҳақида ёзилган хатдаги фактлар текширишда тасдиқланди.

Текшириш якунлари район матлубот жамияти правленеси ёнғилишида муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Магазин спорт товарлари бўлими сотувчиси М. Шарипов ва магазин мудири Я. Рўзметовлар огоҳлантирилдилар. Пойабзал бўлими сотувчиси Р. Ҳайитовага ҳайфсан эълон қилинди.

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«ЧЕКИНИШ»

Шундай сарлавҳали мақолада (газетанинг 1985 йил 29 март сони) Фарғона область Киров район партия комитетининг кадрлар билан ишлашдаги камчилик ва нуқсонлари очиб ташланган эди.

КИРОВ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИдан олинган жавобда қуйидагилар маълум қилинади:

— Мақола район партия комитетининг кенгайтирилган бюро мажлисида муҳокама қилинди.

Қабул қилинган қарорда район партия комитети адресига билдирилган танқидий фикрлар ҳаққонийлиги эътироф этилди. Район партия комитети бўлимларига колхозлар ва совхозлар бошланғич партия ташкилотларига кадрлар билан ишлашда ташкилий-снёсий ишларни янада кучайтириш, бу ишларни КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари талаблари даражасига кўтариш вазифалари топширилди. Кадрларни лавозимларга кўтаришда бошланғич партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиш тажрибасини кенг ёйиш тавсия қилинди.

Бюро қарорида район, шаҳар ва қишлоқ Советлари ижроия комитетларига, колхозлар правлениелари ва совхозлар дирекцияларига ер участкаси беришда уйжой ва ер тўғрисидаги қонунларга қатъий амал қилиш, умумхалқ бойлиги— ернинг талон-торож қилинишига йўл қўймаслик, район маъмурий органларига эса бу соҳани қаттиқ назорат қилиб бориш топширилди.

Район агросаноат бирлашмаси Советидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари талаблари асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини муттасил ривожлантириб бориш учун зарур тадбирларни амалга ошириш талаб қилинди.

Район партия комитети бюроси мақолада кўрсатилган ҳато ва камчиликларни бартараф этиш, кадрлар билан ишлашни, экономикага партиявий раҳбарликни яхшилашга қаратилган тадбирларни тасдиқлади. Ушбу тадбирларга мувофиқ кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш масаласи яқинда бўлиб ўтган район партия комитетининг пленумида муҳокама қилинди. Шунингдек, райком бюросида «Бешариқ» совхоз-техникуми партия комитети ҳисоботи эшитилиб, муҳокама қилинади.

Район партия комитети кадрлар резервини қайтадан кўриб чиқди. Хотин-қиз кадрларни раҳбарлик лавозимларига кўтаришга эътибор кучайтирилди. Кадрларни аттестациядан ўтказиш ишлари олиб бориляпти. Шунингдек, тадбирларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига партиявий раҳбарликни яхшилашга доир бир қатор ишларни амалга ошириш, экономикани тубдан яхшилаш, белгиланган план ва топшириқларнинг, социалистик мажбуриятларнинг ортиғи билан бажарилиши йўллари белгиланди.

Карл Маркс туғилган куннинг 167 йиллигига

ИЛМИЙ КОММУНИЗМ АСОСЧИСИ



В. И. Ленин Марксниг илмий кашфиётларини таърифлаб, бундай деган эди: **«Фақат Марксниг философик материализмигина пролетариатга ҳозиргача барча мазлум синфларнинг қисмати бўлиб келган маънавий қулликдан қутулиш йўлини кўрсатиб берди. Фақат Марксниг иқтисодий назариясигина капитализмнинг умумий тузумида пролетариатнинг тутган ҳақиқий ўрнини тушунтириб берди».**

Карл Маркс 1818 йил 5 майда адвокат оиласида туғилди. 1830—1835 йилларда Трир гимназиясида ўқиди. Йигитлик давридаёқ ижодий, мустақил фикрлаш лаёқати борлигини кўрсатди.

Маркс ҳуқуқ фанини ўрганиш ниятида Бонн Университетига кирди. Бу ерда икки семестр ўқиди-да, сўнгра Берлин университетида таҳсилни давом эттирди. 1841 йил бошида у фалсафа доктори унвонини олиш учун «Демокрит натур философияси ўртасида тафовут» темасида диссертация ёзди.

1842 йил майда Рейн вилояти ландтагининг фаолиятига атаб ёзган мақоласини «Рейн газетаси»га юборган пайтдан бошлаб Маркс ана шу газета билан ҳамкорлик қила бошлади. Ўша йили 15 октябрдан газета редактори бўлиб қолди. Марксниг газетада ишлаши унинг жўшқин революцион-публицистик қаламини янада ўткирлаштирди.

Цензура таъқиблари сабабли Маркс 1843 йилнинг майида Рейн вилоятининг Крейцнах шаҳрига кўчиб борди. Бу ерда «Гегель ҳуқуқ фалсафасининг танқидига доир» асарини ёзди. У Гегель диалектикасининг идеалистик асосини танқид қилди ва Гегелга қарамақарши ўлароқ, давлат «гражданлик жамияти»ни белгиламайди, балки аксинча, «гражданлик жамияти» давлатни белгилайди, яъни иқтисод давлатни белгилайди, деган хулосага келди.

1843 йил октябрда Маркс хотини Женни Фон Вестфален билан Парижга кўчиб борди. Бу ерда А. Руге билан бирга «Немис-француз йиллиги» журналини чиқара бошлади. 1844 йил февралда чиққан журналнинг қўшалоқ (1- ва 2-сонида) Маркс, Энгельс мақолалари ва бошқа асарлар эълон қилинган эди. Карл Маркс билан Фридрих Энгельс мақолаларининг бу журналда босиб чиқарилиши улар буюк дўстлигининг муқаддимаси бўлди.

1845— 1846 йилларда Маркс ва Энгельс ҳамкорликда «Немис идеологияси» асарини ёзишди. Бу етук марксистик асар эди. Унда тарихни материалистик тушунишга оид муккаммал концепция ишлаб чиқилган эди. Бу ҳақда Энгельс шундай дейди: **«Маркс бизларнинг ҳаммамиздан кўра юқорироқ турар, узоқроқни кўрар, бир назар билан нарсаларни кенгроқ ва тезроқ қамраб оларди. Маркс доҳий эди, бизлар жуда деганда истеъдодли кишилар эдик. Агар у бўлмаганда назарямиз ҳозирги ҳолига келмаган бўлар эди. Шу сабабдан бу назария ҳақли равишда унинг номи билан аталади».**

Тарихни материалистик тушуниш назариясининг яратилиши Маркс ва Энгельснинг фалсафа соҳасидаги революцион тўнтаришининг асосий элементларидан бири бўлди. Биринчи маротаба бутун тарихий жараённи яхлит илмий асосда тушунишга эришилган ва тарихни ўрганишнинг ҳақиқий илмий методи яратилган эди.

Карл Марксниг 1847 йили ёзган «Философия қашшоқлиги». Жаноб Прудоннинг «қашшоқлик философияси»га жавоб» китоби унинг сиёсий иқтисод соҳасида дастлабки муҳим асарларидан бири бўлди. Маркс бу асарида ишчилар орасида коммунизм ғояларининг ёйилишига жиддий ғов бўлиб турган Прудоннинг майда буржуача иқтисодий қарашларини танқид қилди ва айни вақтда сиёсий иқтисод масалаларини илмий-материалистик позициялардан ёритиб берди. Маркс «Философия қашшоқлиги»да ўзининг қўшимча қиймат тўғрисидаги назариясида айтган баъзи бир асосий фикрларини илгари сураги, бу назарияни кейинги асарларида бирмунча ривожлантирди.

«Ёлланма меҳнат ва капитал» Марксниг муҳим асаридир. Унда ғоят мураккаб иқтисодий проблемалар ишчиларга ниҳоятда равшан ва содда қилиб баён этилган. Асарда капиталистик эксплуатациянинг моҳияти тушунтириб берилган, буржуазия ҳукмронлиги ва ёлланма ишчилар ҳақиқий қуллигининг иқтисодий асослари очиб ташланган.

Маркс ва Энгельс ижодининг 1848 йил революциясигача бўлган чўққиси «Коммунистик партия манифести»дир. Бу — марксизмнинг биринчи программ ҳужжати. Асарда марксизм асослари биринчи марта изчил ва узвий тарзда баён этилган. **«Бу асарда,** — деб ёзган эди В. И. Ленин, — **янгича дунёқараш, яъни ижтимоий ҳаёт соҳасини ҳам ўз ичига олган изчил материализм, тараққиёт тўғрисидаги энг мукаммал ва чуқур таълимот бўлган диалектика, синфий кураш назарияси ва янги, коммунистик жамият ижодчиси бўлган пролетариатнинг оламшумул — тарихий революцион роли доҳиёна бир суратда аниқ ва равшан баён этилган».**

«Манифест»да пролетариат диктатураси ғояси, ишчилар синфининг ташкилотчиси ва йўлбошчиси бўлган пролетар партияси тўғрисидаги таълимот асослари яратилди. Пролетар интернационализми ғояси «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган шиорда ифодаланган эди. «Манифест»да баён қилинган қоидалар асосида социализм утопиядан фанга айланди.

1850 йилда Маркс яна иқтисод масалалари билан шуғуллана бошлади. 1859 йилда нашр этилган «Сиёсий иқтисод танқидига доир» гениал асарида Маркс қўшимча қийматни кашф этди ва унинг назариясини умумий тарзда ишлаб чиқди. У китобга ёзган сўзбошида тарихни материалистик тушуниш моҳиятининг классик баёнини берди.

«Капитал» — Марксниг шоҳ асари. 3 томдан иборат бу асар устида Маркс 25 йил меҳнат қилди. «Капитал»да капиталистик жамият тараққиётининг иқтисодий қонуни очиб берилган, капитализмнинг зиддиятлари таҳлил қилинган, унинг ҳалокати муқаррарлиги ва коммунизм тантана қилиши илмий асослаб берилган. Марксниг буюк хизмати шуки, у эксплуатация моҳиятини очиб берди. Ишчиниг капиталистга сотадиган иш кучи товарнинг алоҳида бир тури эканлигининг очиб берилиши ишчилар синфининг эксплуатация қилинишини тушуниш учун калит бўлди. Бу асар ишчилар синфига буюк ғоявий қурол берди.

Кейинги йилларда Маркс «Капитал»ниг 2- ва 3-томлари устида ишлади, бироқ ишни охиригa етказа олмади. Бу томлар Марксниг вафотидан кейин Ф. Энгельс томонидан босмага тайёрланди.

Маркс гениал назариётчи, ишчилар синфининг устози бўлиш билан бирга революцион ишчилар ҳаракатининг ғоявий илҳомчиси ва ажойиб ташкилотчиси ҳам эди.

1846 йил январида Маркс билан Энгельс Брюсселда Коммунистик мухбирлар комитетини туздилар. Бу комитетнинг фаолияти биринчи халқаро коммунистик ташкилот — Коммунистлар союзининг тузилишига шароит тайёрлаб берди.

Маркс 1864 йил 28 сентябрда Лондонда тузилган «Халқаро ишчилар уюшмаси» (I Интернационал)нинг ташкилотчиси ва доҳийси эди. У Интернационалнинг программ ҳужжатларини — «Таъсис манифести» ва «Муваққат устав»ини тузиб чиқди, барча конгресс ва конференцияларнинг ташкилотчиси, Бош кенгаш ҳисобот докладлари ва асосий резолюцияларининг автори эди. Маркс тўққиз йил давомида раҳбарлик қилган I Интернационал, В. И. Ленин сўзлари билан айтганда, **«социализм учун пролетар курашига, халқаро курашга пойдевор қўйди».**

Тинимсиз оғир меҳнат, доимий моддий қийинчиликлар Марксниг соғлиғига путур етказган эди. Кўп йиллар давомида у оғир касал бўлиб юрди. Маркс 1883 йил 14 мартда вафот этди.

К. Марксниг кўплаб муҳим асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. Унинг шоҳ асарлари бўлмиш «Капитал»нинг учта томи, Маркс ва Энгельснинг уч томли танланган асарлари, «Франциядa синфий кураш», «Философия қашшоқлиги» асарлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтида ўзбек тилига таржима қилинди. Марксниг айрим асарлари, жумладан «Коммунистик партия манифести» 18 марта, «Гота программасини танқид» 4 марта нашр этилди.

Ф. Энгельс унинг қабри устида сўзлаган нутқида **«Марксниг номи ҳам, иши ҳам абадий яшаяжак»** деган эди. В. И. Ленин янги тарихий даврда — империализм ва янги пролетар революциялари даврида Маркс ва Энгельс ишлари ва таълимотининг муносиб вориси ва давомчиси бўлди. Ленин қарашлари системаси ва унинг таълимоти— ленинизм ҳозирги давр марксизмидир.

И. АЛИМОВ,
тарих фанлари доктори.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ПРОТОКОЛ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНДИ

ВАРШАВА, 3 май. (ТАСС). ПХР Давлат Кенгаши дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1955 йил 14 майда имзоланган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақидаги протоколни ратификация қилди.

ПХР Давлат кенгаши, дейилади ахборотда, Варшава Шартномасини узайтиришнинг тарихий аҳамиятини таъкидлади. Бу факт Польшанинг хавфсизлиги учун, ялпи тинчликни сақлаш учун беқиёс аҳамиятга эгадир.

Шу билан бирга, ПХР Давлат Кенгаши таъкидлайдики, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Европани ва дунёни бир-бирига қарама-қарши турувчи ҳарбий блокларга бўлиб юборишнинг асло тарафдорлари бўлмаганлар. Улар ҳозир ҳам ўз иттифоқларини ҳамда Шимолий Атлантика блокини айни бир пайтда тарқатиб юбориш тарафдоридирлар, биринчи қадам сифатида эса уларнинг ҳарбий ташкилотларини тарқатиб юборишни таклиф қилмоқдалар. Аммо ҳозирча НАТО ҳарбий блоки мавжуд экан ва Европа тинчлиги ҳамда умумий тинчликка хавф-хатар сақланиб қолар экан, социалистик давлатлар ўзларининг мудофаа иттифоқини мустаҳкамлайверадилар.

ПХР Давлат Кенгаши Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг олий даражадаги партия ва давлат арбоблари учрашувида бундан буён ҳам қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланиш, халқаро муносабатларда кескинликни юмшатиш сиёсатига қайтишга эришиш учун актив ҳаракат қилавериш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилинганлигига эътиборни қаратди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **ХОШИМИН. Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Вьетнам Социалистик Республикаси Министрлар Советининг Раиси Фам Ван Донг бу ерда Вьетнам жанубий америка-параст янги мустамлакачилик режимидан озод қилинганлигининг ўн йиллиги тантаналарида иштирок этган чет эл делегацияларини қабул қилди. Чет эл агрессиясига қарши курашда Вьетнам халқи эришган ютуқларни, социалистик қурилишдаги муваффақиятларни, деб таъкидлади ВСР раҳбари, Совет Иттифоқи, бошқа қардош социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг доимий ёрдами ва мададидан ажратиб бўлмайди.**

● **ЛОНДОН. Буюк Британия савдо ва саноат министри Норман Теббит Японияга қарши камситувчи чоралар кўрилади, деб дўқ қилиб гапирди. У парламентда сўзга чиқиб, агар Токио икки томонлама савдода жуда катта номутаносибликни тугатмаса ва Британия молларининг ўз ички бозорига киритилиши йўлидаги ғовларни бартараф этмаса, Лондон ана шундай қадам қўйишга «мажбур бўлади», деди.**

● **БАЙРУТ. Ливан ватанпарварлари мамлакатнинг босиб олинган жанубида Исроил босқинчиларига зарба беришни давом эттирмоқдалар. Млих (Жессина райони) қишлоғи яқинида улар босқинчилар позициясини граматомётлар ва автомат қуроллардан ўққа тутдилар. Маржаюн районида партизанлар исроилликлар ва қўғирчоқ «Жанубий Ливан армияси»нинг Алман қишлоғида жойлашган позициясига ҳужум қилдилар.**

(ТАСС).

«УНИТА» ГАЗЕТАСИНИНГ БАЙРАМИ

РИМ, 3 май. (ТАСС). Италия Компартиясининг органи «Унита» газетасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш проблемаларига бағишланган миллий байрами Гроссето шаҳрида (Тоскана области) оммавий митинг билан якунланди.

Байрам ташкилотчиларининг маълумотларига қараганда, тўққиз кун ичида турли стендлар ва кўргазмалар билан жиҳозланган фестиваль шаҳарчасини 200 минг киши: ишчи ва хизматчилар, Италия Компартиясининг активлари ва раҳбарлари, бошқа сиёсий партиялар ва маҳаллий ҳокимият органларининг намояндалари, касаба союз арбоблари, ёшлар келиб кўрдилар. Байрам доирасида атроф-муҳит ва унга инсоннинг таъсири мавзусига, шунингдек бошқа масалаларга бағишланган баҳслар, тематик учрашувлар, давра столи атрофида суҳбатлар, мунозаралар уюштирилди. Сўзга чиққан нотиқлар ҳозирги вақтда Италияда табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ташвишли аҳвол юз берганлигини, кўп дарёлар ва кўлларга оқава келиб тушаётганлигини, денгизлар, ва йирик шаҳарларнинг булғатилиши хавфли кўламга етганлигини ташвишланиб гапирдилар. Минглаб саноат корхоналарининг эгалари маблағларни қизғаниб, самарали тозалаш иншоотлари қуришдан бош тортмоқдалар, бу билан атроф-муҳитни ишлаб чиқаришнинг заҳарли чиқиндилари билан аямай булғатмоқдалар, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига ғарот келтирмоқдалар.

ЖАҲОННИНГ ШАҲАР АҲОЛИСИ КЎПАЙМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 3 май. ТАСС мухбири Н. Чериншев хабар беради: 2010 йилда жаҳон аҳолисининг кўпчилиги — 54 процента шаҳарларда яшайди. БМТ аҳоли пунктлари комиссиясининг Кингстон (Ямайка)да очилган навбатдаги сессиясида БМТ экспертларининг шу прогнози келтирилган.

Ривожланаётган мамлакатларда яқин ўн беш йил ичида шаҳар аҳолисининг сони икки баравар кўпайиши кутилмоқда. Бу нарса империализмнинг ғаразгўйлик сиёсати натижасида катта иқтисодий қийинчиликларга дуч келган ёш давлатлар олдига жиддий вазифалар қўяди.

АҚШ ҲУКУМАТИГА НОРОЗИЛИК НОТАСИ

ВАРШАВА, 3 май. (ТАСС). ПАП агентлигининг хабар қилишича, ПХР Ташқи ишлар министрлиги АҚШ ҳукуматига нота йўллаб, унда Варшавадаги АҚШ элчихонасининг биринчи секретари В. Хэрвуд билан АҚШнинг Краковдаги консули Д. Хопернинг дипломатия статусига хилоф бўлган ҳатти-ҳаракатлари хусусида норозилик билдирган.

Нотада қайд этилишича, 1 май куни Американинг ҳар иккала дипломати Краков яқинидаги Нова-Гутада милиция ходимлари томонидан қўлга олинган шахслар орасида экан. Ана шу шахслар тартибсизлик чиқаришга уриндилар, ғаламислик руҳидаги варақаларни тарқатдилар, Польшага қарши шиорлар ёзилган транспарантларни кўтариб бордилар.

Америка дипломатларининг ҳаракатлари, дейилади нотада, Польшанинг ички ишларига йўл қўйиб бўлмайдиган аралашувдир. Бундай ҳаракатларни Америка томонининг сиёсий ивгогарликдан иборат яна бир қадами деб баҳолаш мумкин, холос.

Шундай қилиб, Америка томонининг Польша билан муносабатларни яхшилаш нияти тўғрисида айтган гаплари амалий ишларга мутлақо тўғри келмайди, деб уқтирилади ПХР Ташқи ишлар министрлигининг нотасида.

ЭРОН-ИРОҚ МОЖАРОСИ

БАҒДОД, 3 май. (ТАСС). Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг ахборотида Ироқ ҳарбий-ҳаво кучларининг вертолётлари ўтган кунлар мобайнида «Дажла дарёсидан шарқдаги» участкада Эрон армиясининг позицияларига зарбалар берганликлари айтилади. Душман аскар ва техникасига талофотлар етказилган. Ироқ артиллерияси фронтнинг марказий участкасида ва Майсан секторида Эрон қўшинларининг истеҳкомларини тўпга тутган. Бир неча ўқдори омборлари ва бошқа иншоотлар йўқ қилинган.

Ироқнинг Аш-Шохоби ва Тувайла аҳоли пунктлари тўпга тутилган.

НИКОСИЯ, 3 май. (ТАСС). Эрон ИРНА ахборот агентлигининг хабар беришича, кейинги кунларда Эрон артиллерияси Эрон — Ироқ фронтининг ҳамма участкаларида Ироқ позицияларини тўпга тутган. Сардашт, Мериван, Бахтарон, Илом районларида каттиқ отишмалар давом этган. Душманнинг инженерлик иншоотлари вайрон этилган, бир қанча киши ўлдирилган ва яралар қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика партия органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим инструктори ўртоқ Нина Ильинична **Мухинани** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

Мутахассислар маслаҳати

МУСТАҲКАМ ЗАМИН

ИПАК ҚУРТИНИ КИЧИК ЕШИДА ТЎҒРИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ МЎЛ ВА СИФАТЛИ ПИЛЛА ЕТИШТИРИШ ГАРОВИ

Республикамиз пиллакорлари ҳаётида қизғин дамлар бошланди. Ипак қурти боқиш мавсумини муваффақиятли ўтказиш кўп жиҳатдан уларни кичик ёшида яхши парваришлашга боғлиқ.

Маълумки, ипак қурти совуққонли ҳашаротлар оиласига мансуб бўлиб, унинг ўсиши ва ривожланиши ташқи шароитга, яъни ҳарорат ва намликка кўп жиҳатдан боғлиқ. Хона ҳарорати 26—27 даража, ҳавосининг нисбий намлиги 65—75 процент бўлганда ипак қурти тут баргини тўлиқ ўзлаштиради ва яхши ривожланади.

Ҳарорат ва намликнинг юқорида кўрсатилган миқдордан пасайиши ёки кўтарилиши қуртларга салбий таъсир қилади. Бунда парваришлаш даври чўзилиб кетиши, пилла майда бўлиши, қуртлар касалликларга чалиниши мумкин ва ниҳоят ҳосил камайиб, сифати ёмонлашади.

Кичик ёшдаги қуртлар яхшилаб парвариш қилинганда, улар касалликларга чалинмай, соғлом бўлиб ўсади ва сифатли пилла ўрайди. Шу туфайли ипак қуртлари боқиладиган хоналар иситилиши, уларга етарли кенгликда жой тайёрланиши, тўйимли барг ва тоза ҳаво билан таъминланиши керак.

Биринчи ёшдаги қуртларнинг бир қутиси ёшининг охирида 2 квадрат метр, иккинчи ёшда 6 квадрат метр, учинчи ёшда 12—15 квадрат метр жойда боқилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ипак қуртлари биринчи ёшида суткасига 10—12 марта майда қирқилган, иккинчи ёшида 9—10 марта йирикроқ қирқилган барг билан боқилади. Бу даврда баргни пичоқ билан, катта қуртхоналарда эса махсус барг кесувчи машина билан қирқилган юмшоқ барг берилади.

Учинчи ёшдаги қуртларга барг бутун ҳолида яшил новдаси билан суткасига 8—9 марта берилади. Қуртларга кечаси 2—3 марта бир хил қалинликда барг берилиши керак.

Баргни нотекис, яъни бир жойга қалин, иккинчи жойга сийрак тарқатилиши, ипак қуртларининг баргдан етарли баҳраманд бўла олмаслигига олиб келади. Натижада улар катта-кичик бўлиб ўсади. Бу эса пилла ҳосилини камайишига сабаб бўлади.

Шунингдек, ҳаддан ташқари кўп барг бериш қуртларнинг бир қисми ғана орасидан чиқолмай нобуд бўлишига сабабчи бўлади. Ипак қуртларининг биринчи ёшида тежаб қолинган бир килограмм барг кейинчалик 8,5 килограмм, иккинчи ёшда тежалган бир килограмм барг эса 4,8 килограмм кўпаяди.

Шунинг учун қурт боқиш даврида баргдан ниҳоятда тежамли фойдаланиш керак. Барг одатда эрталаб қуёш чиққунча ва кечқурун қуёш ботгандан сўнг тайёрланади. Иссиқ вақтда тайёрланган барг даладан қуртхонага келтирилгунча сўлийди ва озуқалик сифатини йўқотади. Бундай баргни қурт кам ейди, кўп қисми ғанада қолади.

Қуртларнинг уйқуга кириши олдидан бериладиган барг миқдори камайтирилиб, уйқудан бир текис тургандан сўнг оз-оздан кўпайтирилади.

Ипак қуртларининг пўст ташлаши жуда ҳам мураккаб физиологик жараён бўлиб, бу вақтда алоҳида парвариш талаб этилади. Хона ҳарорати 24—25 даража, намлиги эса 65—70 процент бўлиб, шамоллатиб турилиши керак.

Қурт боқиш даврида берилган баргнинг ейилмай қолган қисми ғанани ҳосил қилади. Қуртларнинг биринчи ёшида ғана олинмайди, иккинчи ва учинчи ёшлари ўртасида бир марта ғаналанади. Чиқариб олинган ғанани ёқиб юбориш мақсадга мувофиқдир, акс ҳолда улар касаллик тарқатувчи манбага айланиб қолади. Ғана олинаётганда қуртларнинг бош сони камайишига йўл қўймаслик чораларини кўриш зарур.

Кичик ёшдаги қуртларни яхшилаб парвариш қилиш билан уларни соғлом, касалликларга чалинмайдиган бўлиб ривожланишига эришилади, бу мўл пилла ҳосили олишга мустаҳкам заминдир.

А. ИСЛОМОВ,
Ўрта Осиё ипакчилик илмий-текшириш институти ипак қурти селекцияси бўлими бошлиғи.

ЗИЛЗИЛА ЭПИЦЕНТРИ ВА УНИНГ ТЕВАРАК-АТРОФИДА

27 апрель куни кучли ер силкинишини бошидан кечирган Уйғурсой посёлкасида бўлдик. Кўчалар бўйлаб юриб, одамлар истиқомат қилаётган уйларга кирдик. Посёлка аҳолиси билан суҳбатлашдик. Поп районидаги бошқа баъзи қишлоқларни ҳам бориб кўрдик. Кўрган-эшитганларимиз, билганларимиз қуйидагилардан иборат.

Зилзила Уйғурсойдаги тўққиз минг уй-жойнинг дабдаласини чиқариб юборди, деган шов-шув тасдиқланмади. Негаки посёлка Советининг маълумоти бўйича, бу ерда бор-йўғи 317 хўжалик мавжуд.

Авваламбор, қурбонлар йўқ, яралар ҳам. Лекин асаби ёки юраги безовта қилган бир неча киши райондаги медицина муассасаларига мурожаат қилгани рост. Уларнинг ҳаммасига тегишлича ёрдам кўрсатилди.

Иккинчидан, зилзила оқибатлари Уйғурсой биланги на чекланмаяпти. Уни Поп билан қўшни бўлган Чуст ва Задарё районларида ҳам кўриш мумкин. Озмунча ремонт, тиклаш ишларини бажаришга тўғри келади.

Учинчидан, вайрон бўлган биноларнинг катта қисми 1984 йилдаги ҳамманинг эсида турган ер ости силкинишларидан кейин ремонт қилишга улгурилмаган объектларга тўғри келди. Ўша пайтда ремонт қилинган объектлар ҳам яхши тузатилмаганлиги маълум бўлди.

Тўртинчидан, одамлар осойишта ва дадил ҳаракат қилишмоқда, ҳеч кимнинг тарвузи қўлтиғидан тушгани йўқ, ҳеч ким саросимага берилмади.

Ер илк бор камида олти балл куч билан силкинган йигирма еттинчи апрель эрталаб, посёлка Совети раиси Ҳожимат Йўлдошевнинг дастлабки қилган иши ихтиёридаги бирдан-бир оммавий ахборот воситаси — радиоузелни ишга солишдан иборат бўлди. Посёлка бўйлаб тахминан шундай деб эълон қилинди: ўртоқлар, тажрибадан биласизларки, ер яна силкиниб қолиши мумкин. Шу боисдан уюшган ҳолда, осойишталик билан уй-жойларингизни тарк этиб, кексаларни, болаларни ва хаста кишиларни олиб чиқинглар. Ҳозироқ сизларга ёрдамга борамиз.

Ҳақиқатан ҳам посёлка Советига депутатларнинг деярли ҳаммаси дарҳол тўпланди. Депутатлар оз эмасйигирма беш киши — кўпчилиги «Резинотехника» заводи ходимлари эди. Экономист Лариса Чернега, бухгалтерлардан Екатерина Буданова, Елена Хан, Улуғ Ватан уруши ветерани мастер Михаил Руденко, уй-жой коммунал бирлашмаси бошлиғи Александра Казакова ва бошқалар қўлгина оиларни кўчага олиб чиқишди.

Бу ишни битириб бўлгач, мактабга югуришди. Зилзила юз берган чоғда мактабда учинчи соат дарси борарди. Мактабнинг шикастланмаганлигига ишонч ҳосил қилишди, лекин ҳар эҳтимолга қарши болаларни ундан олиб чиқишди. Тезлик билан болалар боғчасига йўл олишди. У ерда ҳам ҳамма нарса батартиб экан. Касалхонага шошилишди. Бу ерда аҳвол чатоқ экан. Деворлар ёрилиб, сувоқлари кўчибди. Беморларнинг кўпчилиги қўрқиб кетибди. Улар орасида ўрнидан туролмайдиганлари ҳам бор эди. Лекин 60 ўринли неврология касалхонасининг кекса бош врачи Мухтор Жалолов билан унинг ўғли Ғафур ишга киришиб кетишган экан.

Депутатлар биринчи навбатдаги ишларни битириб, нима бор-у, нима йўқлигига эътиборни қаратишди. Насосларни юргизиб, посёлкага сув берадиган трансформатор қуйиб қолибди. Бу-

РЕПОРТАЖ

сиз ҳам сув танқисроқ эди. Сувни кунига уч маҳал соатлаб насосда чиқаришарди. Энди нима бўлади?

«Резинотехника» заводи электрчилари трансформаторга югуришди. Район электр тармоқлари мутахассислари ҳам етиб келишди. Уни эндигина тузатишган ҳам эдики, Поп районидан бир автоцистернада ичимлик сув келиб қолди. Икки-уч соатдан кейин трансформатор ҳам ишга тушиб, сув етишмовчилигига хотима берилди.

Чор атрофдаги қишлоқ ва посёлкаларнинг аҳолиси зилзила оқибатлари келтирган зарарларни чамалаб улгурмаёқ, етти балли зилзила гумбурлаб қолди. Лекин у ҳеч кимни ғафлатда қолдирмади. Чунки, ҳамма хавфсиз жойда эди.

Район партия комитети янги биносининг бир девори юқоридан пастгача ёрилиб кетди. Меҳмонхона, область маҳаллий саноатининг тикув цехи, бошқа қатор жамоат бинолари жиддий шикастланди.

«Поп» совхозининг марказий қўрғонида юздан ортиқ деҳқонларнинг уй-жойлари яроқсиз ҳолга келиб қолди. Район бўйича эса бундай уй-жойлар миқдори беш юзтадан кўпроқ.

Жданов номли колхозда тўртта мактабдан иккитаси зилзиладан омон қолди. Лекин шунинг ҳам биттаси аварня ҳолатида...

Хўш, нималар шикастланмади ёки деярли шикаст емади?

Уйғурсой ҳақида гапирадиган бўлсак, у бамисоли район кўзгусидир. Ахир, эпицентр нақд шу жойда, энг кучли силкинишлар ҳам шу ерда бўлди. Ўтган йилги зилзиладан кейин қурилган мактаб ва болалар боғчаси, бир қанча уй-жойлар шчит конструкциялардан бунёд этилган эди. Ана шулар ниҳоятда бардошли эканлиги маълум бўлди. Пишиқ ғиштдан қурилган икки қаватли уйлар ҳам пухта ва мустаҳкам турибди. Бу уй-жойлар эллигинчи йилларнинг бошларида иститқболни олдиндан кўргандек пишиқ-пухта қилиб қурилган эди. Ҳозир бу иш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Пенсионер — кончи Али Нуржонов ва унинг ўғли Рустам оиласи билан яшаётган уйга кирдик. Биронта ҳам ёрилган, дарз кетган жойларни кўрмадик. Кўни-қўшниларникида ҳам худди шундай манзара. Наманган уйсозлик комбинати қуриб берган икки қаватли уй-жойларни кўриб баҳри-дилингиз очилади. Бу ерда бир йил ичида озмунча уй қурилмади, лекин улар ҳам асосан бардош берди.

Посёлка Совети раиси ниҳоят уйига етиб келганида кўз олдида гавдаланган манзарадан қувонолмасди. Унинг оиласида тўрт бола бор. Айтмоқчи, уйғурсойликлар тушунчасида панелли уйда яшашнинг гашти йўқ. Одамлар томорқали коттежни афзал кўришади. Айни шу боисдан посёлка Советининг раиси атайлаб панелли уйнинг иккинчи қаватидан жой олган эди. Томни ёпиб турган плиталар бир оз ажралиб кетибди. Бошқа бир уйда ҳам худди шундай манзара. Чамаси, плиталар сифатли пайванд қилинмаган. Қишда бу ердан чакка ўтиб кетади. Дарҳол ремонт қилиш керак.

Бизни ҳайратга солган нарса шу бўлдики, Уйғурсойда кўп уй-жойларни бунёд этган ва ҳозир ҳам тиклаётган уйсозлик комбинати вакиллари зилзиладан кейин ўтган дастлабки соатлар у ёқда турсин, кейинги кунларда ҳам келишгани йўқ. Корхона директори ҳурматли Асқар Икромович Икромов вақт топиб, ўзи раҳбарлик қилаётган корхона маҳсулотининг зилзила имтиҳонига қандай бардош берганини шахсан келиб кўрса ёмон бўлмасди. Ана шундан кейин плиталар чокини пайвандлаган кишиларни топиб, уларни ўз бурчини ҳалол бажарган ишчилар билан баҳамти қилганида айни муддао бўларди.

Ўтган йилги ер бўронидан кейин Уйғурсойни тиклашга дахлдор кишилардан кимларни кўрдик? Май арафасидаги дам олишдан воз кечиб, бу ердаги аҳволни ўргангани бирор киши келдими?

Аввало, районда садоқатли ёрдамчилар, деб тан олинган, юксак меҳнат маданияти ва катта масъулият намунасини кўрсатганлардан ким келди? «Узнинипградстроительство» институти вакиллари, унинг Андижон филиали директори Раҳмонжон Азимов билан бош инженери Ефрем Юн ўз коллективларининг ечими пухта ва оқилона эканлигига ишонч ҳосил қилдилар. Энди қилинадиган иш шундан иборатки, тез ишлаш керак.

Аммо Наманган лойиҳа ташкилотларининг вакиллари негадир кўринмаяптилар. Ўтган йили лойиҳа беришни кечиктириб юборган, ремонт ва тиклаш ишларини чўзганлардан дарак бўлмаяпти.

Акром Носиров бошчилигидаги ёш олимлар группаси Уйғурсойга етиб келишди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Сейсмология институти ер остидаги жараёнлар ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун қўшимча станция бардо қилишни авж олдириб юборди. Қизил ярим ой жамияти область комитетининг раиси Даврон Алихонов кимга қандай ёрдам кўрсатишни жойнинг ўзида аниқламоқда. Ўтган йили кўп болали оналар ва инвалидлардан 59 оилага 50 — 150 сўмдан ёрдам пули берилган эди. Ҳожимат Йўлдошев Госстрах инспекторларини кутиб олишга шай бўлиб турибди: у зарур ҳужжатларни тайёрламоқда. Посёлка Совети зилзиладан зарар кўрганларга маблағ ундиришда аҳолининг манфаатини ҳимоя қилади. Истаган одам страхование пулига қурилиш материаллари сотиб олиши мумкин.

Булар эпицентрда қилинаётган ишлар. Унинг теварак-атрофида эса катта ишларни олиб бориш учун куч тўпланмоқда.

Ҳозир ҳаммадан зарур нарса нима? Қандай қилса ўтган сабоқларни ҳисобга олиб, ишларни яхшироқ бажариш мумкин?

Бу ҳақда навбатдаги репортажимизда ҳикоя қиламиз.

Р. БИЧУРИН,
Ю. КРУЖИЛИН,
ЎзТАГ мухбирлари.
Наманган область Поп райони.

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ХАЛҚ ЖАСОРАТИ МАНГУДИР

Совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабасининг 40 йиллигига бағишланиб Москвада ўтказиладиган тантаналарда Ўзбекистондан 18 киши қатнашади. Улар орасида Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Шуҳрат орденларининг тўла нишондорлари, 1945 йил Ғалаба паради қатнашчилари, фронт орқасида фидокорона меҳнат қилган илғорлар бор. Улар Ватанимиз пойтахтига жўнаш олдидан Тошкентда тўпланишди. Бу ерда пионерлар ва комсомоллар билан учрашувларда иштирок этишди. В. И. Ленин ҳайкали пойига, Номаълум солдат қабрига гуллар қўйишди.

Суратда: Москвада Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этувчиларнинг бир группаси.

А. НАЙМУШИН фотоси. [ЎзТАГ].

ҒОЛИБ ҚЎШИҚЛАР

1941 йил. Тиш-тирноғигача қуролланган - немис ажалфурушлари жаҳон бойлиги ва инсон ҳаётига аждаҳодек ҳамла қилган кунлар...

— Ота-онасиз кўнглим яримта эди. Сизни топиб бағрим тўлди, яраларим битди, деб юрсам, сиз ҳам ташлаб кетасизми?

Зулунбой Саодатни бағрига босиб, сочларини силади:

— Секинроқ гапир, қизимиз уйғониб кетади. У эсини танигунча қайтиб келаман. Йиғлама, Ғалаба билан қайтиб келаман, деяпман-ку! Кетганлар келмабдими?

Ҳа, кетганлар келмабдими? Албатта, келади Зулун акаси ҳам. Албатта, кемтик кўнгиллар тўлади, оила бутун бўлади!

Йигирма икки ёшида эрини урушга қузатган Саодатхон шундай қатъий ишончлар билан оқ тонгларни қаршилади. Бир яшар Кибриёхоннинг қош-кўзларини отасиникига ўхшатди. Зулун акаси урушга кетгач, 26 кундан сўнг дунёга келган ўғлининг исмини Зафар қўйди. Саҳар туриб ишга отланди. Новвойхонада ишлади, колхозда машоқ ўрди, ишчилар сафида туриб жангчиларга қурол-аслаҳалар тайёрлашга кўмаклашди. Қайнонаси Мастонбу аянинг икки боланинг ўртасига ўтириб, болаларга айтаётган алла-қўшиқларини қалбига илинж ва фахр туйғуларини солиб тинглади:

Зулун болам, қайдасан,
алла.
Қачон ғолиб қайтасан,
алла...

* * *

Дастлаб катта ўғил Ғулом кетди. У урушгача ҳарбий академияда ўқиб, уни тамомлагандан кейин Москвада хизмат қилди. 19—отлиқ дивизияси эскадронига командир бўлди, В. И. Ленин номли Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юртида ўқитувчилик қилди. Она тўғничининг мардона меҳнатидан беҳад ғурурланар эди. У урушга кетгач, кўп ўтмай келини Гавҳар Раҳимова ҳам ҳарбий хизматга кўнади. Гавҳархон жангчиларга тетик руҳ, кўтаринки кайфият бағишлаш мақсадида икки боласини қайнонаси Мастонбуга қолдириб жангга отланди...

— Урушга бормай қўя қолинг. Акангиз, келин ойингиз кетишган. Ёлғиз онангиз ва мен ёш болалар билан... Сизга бекорга беришмаган-ку бронни! Зулун Саодатнинг ёшли кўзларини артиб ўшанда шундай жавоб қайтарган эди:

— Урушга биринчилардан бўлиб боришимиз керак. Биринчилардан!

Ҳа, Зулун Раҳимов урушнинг олдинги участкаларида ҳамиша биринчилардан бўлиб юрди. Тўрт йилдан кўпроқ вақт мобайнида ёвуз душманга қарши жанг қилди. Украина, Белоруссия, Молдавия тупроғини фашист газандаларидан тозалашда жасорат кўрсатди.

Совет жангчилари ўзларининг беғараз халоскорлик бурчларини адо этиб, Венгриянинг Сенткут қишлоғини озод этишга киришдилар. Жангга ташланганлар орасида андижонлик қаҳрамон йигит, взвод командири Зулун Раҳимов ҳам бор эди. Уруш тугашига тўрт ой қолганида...

«Ҳаммаёқ тўс-тўполон. Юрагимни ҳовучлаб деразадан қараб турибман, Қора қош, қора кўз барваста йигит ерга йиқилди. Бейхтиёр унга томон интилдим. Аммо бошига снаряд парчаси теккан совет солдатининг юраги уришдан тўхтаган эди...» Бу — Сенткут қишлоғилик Мария исмли аёлнинг сўзлари. Солдатнинг дўстлари: «Биз» қайтиб келамиз» деб жадал олға кетдилар. Мария укаси Бениямин Юхас билан уни авайлаб дафн қилди. Тинч замон бошланган кунларда эса қабрни шундоққина деразаси тагига кўчирди. Гуллар экди, уни обод қилди...

Йигирма уч йил, йигирма уч баҳор! Ҳатто қишлоқ четидагилар ҳам бу қабрдан бехабар эдилар.

Бир тасодиф бўлди-ю...

1967 йилда Ўзбекистонда Венгрия маданияти кунлари ўтказилди. Ўшанда Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавҳархоним Раҳимова меҳмонларга қайниси Зулун Раҳимов жанг қилган рота ҳақида, 1944 йил 21 декабрда Киштерени шаҳрининг ғарбида у ҳалок бўлганлиги ҳақида хабар келганлигини сўзлаб берди. Кўп ўтмай венгер қардошлардан, Мариядан шундай хат келади: «Ўзбек ўғлонининг қабри хонадонимизнинг тинчлиги, бахтимизнинг мангулиги тимсоли сифатида обод оромгоҳга айланган. Яқинда миллий байрамимиз бўлди. Қабр ёнида шамлар ёқдик. Баҳор, энг аввало шу ерга келади. Атроф кўм-кўк, анвойи гуллар қийғос очилиб турибди».

Гавҳархоним ва Зулун Раҳимовнинг қизи Кибриёхон Венгрияга, азиз кишилар ҳузурига боришди.

Бутун қишлоқ аҳли ҳалоскорларининг жигарпораларини самимий кутиб олишди. Улар ўзбек йигитининг жасорати тўғрисида юракдан сўзлашарди.

«— Мен урушни кўрмаганман. Чунки у пайтда жуда ёш эдим. Жангу — жаддаллардан, қисматимга кемтиклик битилаётганидан бехабар эдим, — деди Кибриёхон Раҳимова ота қабри устида. — Аммо, энди, эсимни таниб уруш даҳшатларини дил-дилимдан ҳис қилдим...»

Кибриёхон хайрлашув чоғида ёшли кўзларини Мариянхонимга тикиб сўради:

— Нега отамнинг жасадини биродарлар қабристонига топширмадингиз?

— Бизларнинг тинчлигимиз деб, уйим ёнида жонини фидо қилган солдатни оиламнинг ҳақиқий аъзоси дейишга ҳақлиман! — деб жавоб берди аёл.

Венгрияда, ота қабри устида ўсган гулни, унинг тупроғини Ўзбекистонга олиб келди қизгина. Саодат ая қалби бундан таскин топгандек бўлди.

Шу йил март ойининг охирларида Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан Зулун Раҳимовлар хонадонига табрик хати келди. Минг-минглаб километр йўлни босиб келган хатда шундай жумлалар бор эди: «Бундан икки йил олдин Мария, сўнгра Бениямин Юхаслар оламдан ўтди. Аммо совет жангчисининг қабри эътиборимизда. У шаҳар партия ва комсомол комитетлари аъзолари ҳамда қишлоқ аҳолисининг назоратида, ҳамон қабр устида анвойи гуллар яшнаб турибди.

Сандор БРОШ,
Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг бўлим мудири».

* * *

Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди. Халқлар бахт-саодати, озодлиги ва тенглиги учун жонини қурбон қилганларнинг номи абадий. Уларнинг ғолиб қўшиқлари ҳамон қулоқларимиз остида жаранглаб турибди. Мардликка, жасоратга ундовчи мағрур нигоҳларга қуллуқ қиламиз. Байрам ва тантаналарда Ватан ҳимоячиларини хотирлаб, ёдгорликлар пойига гулчамбарлар қўяр эканмиз, дил-дилимиздан ўша қўшиқларга жўр бўламиз.

Умида АБДУАЗИМОВА.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҲАФТАЛИГИ

6 – 12 МАЙ

6 май, душанба

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.50 — Футбол шарҳи. 10.20— «Оққўнгил». Бадиий фильм. 11.40 — «Саёҳатчилар клуби». 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. 16.15 — «Шодлик—бу қўшиқ». 17.10 — «Онамларнинг мактаби». 17.40 — «Горнчилар, қаердасиз?». 18.10 — Концерт. 18.45 — «Ишлар ва одамлар». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 —Мультфильм. 19.40 — Футбол шарҳи. 20.10— «Фан ва техника». 20.20 — «Номаълум солдат». Бадиий фильм. 1-серия. 21.30—«Время». 22.05 — «Номаълум солдат». Бадиий фильм. 2-серия. 23.15 —«Дунё воқеалари». 23.10 — Концерт.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Телефильм. 9.35 — Тарих. 10.05 — Рус тили. 11.05 — «Қизил китоб» нималар ҳақида ҳикоя қилади». 11.35 — Тарих. 12.05 — «Фан ва турмуш». 13.15 — А. П. Чехов. «Олчазор». 13.40 —Табиатшунослик. 14.00 — Тарих саҳифалари. 14.30 — «Сенинг ленинча кутубхонанг». 15.05 — «П. И. Чайковский». 16.05 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — «Советский воин» киножурнали. 19.00 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.00 — Ритмик гимнастика. 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.45 — «Халқаро панорама». 21.30 — «Время». 22.05 — Футбол. «Днепр» — «Спартак».

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — «Ахборот». 10.20 — Телефильм. 11.20 —Телефильм. 11.30 — Табиатшунослик. 11.50 — Музикали фильм. 12.20 — Телефильм. 12.30 — География. 13.00 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильмлар. 18.45 — Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. 19.10 — «Чорвачилик. Тажриба ва муаммолар». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Севастополь вальси». Спектакль. 21.30 — «Время». 22.05 — Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 — «Генерал Раҳимов». Бадиий фильм. 24.00 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 18.20 — Телефильм. 18.40 — Врач маслаҳати. 18.55 — «Ватан солдатлари». Бадиий фильм. 1-серия. 19.55 — Тошкент янгиликлари. 20.15 — Болалар учун фильм. 21.00 — «Қизиқувчилар экрани». 21.30 — **МОСКВА-II.**

7 май, сешанба

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — «Номаълум солдат». Бадиий фильм. 1-ва 2-сериялар. 11.55 — «Горнчилар, қаердасиз?». 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — «Озодлик қуёши нур таратмоқда». 16.20 — Ўқувчиларнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Бондарь билан учрашуви. 17.10 — ГДР телевидениесининг программаси. 18.35 — «Қувноқ нотачалар». 18.45 — «Фан ва турмуш». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Концерт. 20.20 — «Номаълум солдат». Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — «Время». 22.05 — Концерт.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Телефильм. 9.35 — Тарих. 10.05 — Француз тили. 11.05 — «Қизил китоб» нималар ҳақида ҳикоя қилади». 11.35 — Ботаника. 11.55 —Илмий-оммабоп фильм. 12.10 — «Шахмат мактаби». 13.00— География. 14.00 — Уруш йиллари шеърлари ва қўшиқлари. 14.45 — Совет монументал ва портрет ҳайкалтарошлиги. 15.15 — «Ғалабага фақат чин дилдан ишониб». 16.10 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Телефильм. 19.50 — «Тасвирий санъат». 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.45 — Музикали киоск. 21.15 — Телефильм. 21.30 — «Время». 22.05 — «Одерда баҳор». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — «Ахборот». 10.20 — Фильм-концерт. 10.50 — Телефильм. 11.30 — Математика. 12.00 — Музикали фильм. 12.30 — Адабиёт. 13.00 ва 17.45 — Янгиликлар. 18.00 — «Пионерлар мамлакатида». 18.30 — «Бугун—Радио куни». 19.00 — Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. 20.10 — «Пилла—бойлигимиз». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт .21.30 — «Время». 22.05 — Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. 23.20 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 18.20 — Болалар учун фильм. 18.35 —Телефильм. 19.00 — «Ватан солдатлари». Бадиий фильм. 2-серия. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. 21.00 — «Фронт ортида ҳам Ғалаба учун курашилди». 21.30 — **МОСКВА-II.**

8 май, чоршанба

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — «Номаълум солдат». Бадиий фильм. 3-серия. 10.50 — «Эртага тонгда Ғалаба байрами». 11.30 — Янгиликлар. 13.55 — Информацион кўрсатув. 14.35 — Улуғ Ватан уруши йиллари қўшиқлари. 15.10 — Фильм-концерт. 17.25 — Концерт. 17.55 — Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган тантанали мажлис. Танаффусда — «Время». 23.20 — «Муздаги жилолар».

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Телефильм. 9.35 — Тарих. 10.05 — «Онамларнинг мактаби». 10.35 — Бугун —Жаҳон Қизил Крест кунига. 11.25 — «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади?». 11.55 — «Генерал Шубников корпуси». Бадиий фильм. 13.20 — «Бил ва уддала». 13.55 — Информацион кўрсатув. 14.50 — «Сатрларда инсон қалби». 15.45 — Янгиликлар. 17.55 — Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган тантанали мажлис. Танаффусда — «Время». 23.20 — Телефильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — «Ахборот». 10.20 — Телефильм. 11.10 — Музикали фильм. 11.40 — «Хотира». Бадиий фильм. 12.55 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. 13.55 —Москва. Информацион кўрсатув. 17.15 — Ҳужжатли фильм. 17.25 — «Ахборот». 17.55 — Москва. Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган тантанали мажлис. Танаффусда — «Время». 23.20 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 18.20 — Телефильм. 18.30 — Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. 19.00 — «Ватан солдатлари». Бадиий фильм. 3-серия. 20.20 —«Тошкент янгиликлари». 20.20 — Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. 21.30 — **МОСКВА-II.**

9 май, пайшанба

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.35 — Ҳужжатли фильм. 10.20 — «Фронтда янграган қўшиқлар». 11.00 — Тинчлик велопойгаси. 11.20 — Музикали кўрсатув. 12.05 — «Ушбу Ғалаба кунида». 12.30 — Концерт. 12.50 — Москва. Қизил майдон. Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган қўшинлар паради. 14.45— Телефильм. 15.00 — «Иван Никулин — рус матроси». Бадиий фильм. 16.30 — Фильм-концерт. 16.50 — Киноконцерт. 17.45 — Информацион кўрсатув. 17.55 — Тинчлик велопойгаси. 18.20 —Халқ куйлари янграйди. 18.50 — «Ёдингдами, ўртоқ». 19.50 — Фашизмга қарши жангларда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси Бир минутлик сукунат. 20.15 — «Сўнгги ҳужум». Бадиий фильм. 21.30 — Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллиги байрам қилиниши тўғрисида репортаж. 22.30 — Байрам музикали кўрсатуви.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Концерт. 10.20— «Александр Невский». Бадиий фильм. 12.05 — Концерт. 12.20 Телефильм. 12.50 — Москва. Қизил майдон. Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган қўшинлар паради. 15.00 — Байрам концерти. 16.30 — Мультфильмлар. 17.00 — «Биз бу заминни Ватан деб атаймиз». 17.45 — «Мен — Хортица». Бадиий фильм. 18.55 — Ҳужжатли фильм. 19.20 — Концерт. 19.50 — Фашизмга қарши жангларда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси. Бир минутлик сукунат. 20.10 — Концерт. 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.45 — Илмий-оммабоп фильм. 20.55— Концерт. 21.30 — Буюк Ғалаба 40 йиллигининг байрам қилиниши тўғрисида репортаж. 22.30 — «Старшина». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — «Ахборот». 10.25 — «Зимородок». Бадиий фильм. 11.50 — Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. 12.20 — Ҳужжатли фильм. 12.50 — Москва. Қизил майдон. Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган қўшинлар паради. 18.25 — «Ҳар доим бўлсин қуёш!». 19.05 — Телефильм. 19.20 — «Тошкентда, Ғалаба кунида». 19.30 — «Ахборот». 19.50 — Москва. Фашизмга қарши жангларда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси. Бир минутлик сукунат. 20.10 — «Ахборот». 20.30 — Жангларда янграган қўшиқлар. 21.30 — «Время». 22.30— Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. 22.45 — «Ғалабамиз баҳори». Байрам кўрсатуви.

ТОШКЕНТ-II. 18.25 — Телефильм. 18.55 — «Ватан солдатлари». Бадиий фильм. 4-серия. 19.55 — Музикали фильм. 21.00 — Телефильм. 21.30 — **МОСКВА-II.**

10 май, жума

МОСКВА-I. 9.00 — Янгиликлар. 9.20 — «Расмларда қуёш акси бор». 9.35 — Тинчлик велопойгаси. 10.00 — «Будильник». 10.30 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.30 — Тонгги почта. 12.00 — Ҳаётга йўлланма. 13.00—Қишлоқ янгиликлари. 14.00 —«Америкалик ветеранлар қаҳрамон шаҳарларда». 14.15 — Музикали киоск. 14.45 — «Ғолиблар». 16.30 — Халқ куйлари. 16.45— Телефильм. 17.05 — Саёҳатчилар клуби. 18.05 — Мультфильмлар. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Телефильм. 20.15 — Чехословакия фашист босқинчиларидан озод қилинганлигининг 40 йиллигига. 21.30 — «Время». 22.05 —Тинчлик велопойгаси. 22.25 —Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. 22.55 — Концерт. 23.50 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — «Зарядкага сафланинг!». 9.15 — Ритмик гимнастика. 9.45 —Телефильм. 10.15 — Концерт. 10.40 — Сиз яратган боғ. 11.10 Концерт 11.45 — Палех санъати. 12.20 — «Қўшиқ инсон билан қолади». 13.15 — Телефильм. 14.05 — Болалар учун фильм. 15.15 — Телефильм. 15.45 — «Шундай кун келади». Бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. 18.00 — Тинчлик велопойгаси. 18.45 — Ҳужжатли фильм. 18.55 — «Тинчликнинг биринчи куни». Бадиий фильм. 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 20.50 — Киножурнал. 21.00 —Дзюдо. Европа чемпионати. 21.30 — «Время». 22.05 — Қўришгунча, оғайни». Бадиий фильм. 22.20 — Футбол. СССР кубоги. Чорак финал. «Шахтёр» — Днепр».

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — «Ахборот». 10.25 — Фильм-концерт. 11.25 — Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган спорт байрами. 12.00 — «Қувноқ стартлар». 13.00 — «Ёшлик». 13.30 — Болалар учун фильм. 14.55 — «Довюраклар Ватанга қалқон бўлишди». 17.50 — Қўшиғим, жон қўшиғим». 18.25— Ёшлар ва студентларнинг жаҳон фестивали олдидан. 19.00 — Ота-оналар университети. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Манзарали фильм. 20.00 — «Дунё воқеалари». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Шеърий композиция. 21.10 — Телефильм. 21.30 — «Время». 22.05 — Концерт.

ТОШКЕНТ-II. 18.20 — Ҳужжатли фильм. 18.35 — «Шундай аёллар бор». 19.05 — Кинопрограмма. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — Телефильм. 21.30 — **МОСКВА-II.**

11 май, шанба

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Футбол шарҳи. 10.10 — Мультфильм. 10.20 — «Тинчликнинг биринчи куни». Бадиий фильм. 11.50 — Телефильм. 12.10 — «Херлуф Бидструп Москвада». 12.35 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Телефильм. 15.55 — Концерт. 16.25 — «Билимимиз — қудратимиз». 17.10 — Қўшиқ инсон билан қолади. 18.00 — «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». 18.30 — Тинчлик велопойгаси. 18.45 — «Ҳамдўстлик». 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — «Чин қалбдан». 21.30 — «Время». 22.00 — Концерт. 22.45 — «Футбол шарҳи. 23.15 — «Дунё воқеалари».

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Телефильм. 9.35 — Табиатшунослик. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.15 — Испан тили. 11.05 — Эстетик тарбия. 11.35 — Зоология. 12.00 — Оила ва мактаб. 12.30— Илмий-оммабоп фильм. 13.05 — Музика. 13.35 — Физика. 14.35 — Улуғ Ватан уруши даври адабиёти. 15.05 — Белоруссия телевидениесининг программаси. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Концерт. 19.00 — Дзюдо. Европа чемпионати. 19.30 — Концерт. Танаффусда — «Хайрли тун, кичкинтойлар!» 21.30 — «Время». 22.00 — «Тўйдан олдин Йильга саёҳат». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — «Ахборот. 10.20 — Телефильм. 11.10 — Ҳужжатли фильм. 11.30 — Рус адабиёти. 12.00 — Музикали телефильм. 12.30 — География. 13.00 — Янгиликлар. 18.05 — Фильм-концерт. 18.35 — Ўйлаб топ. 19.05 — Музикали фильм. 19.30 «Ахборот». 19.45 — Оламга саёҳат». 20.30 «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.00 — Пахтакорларнинг шу кунги муҳим вазифалари. 22.20 — «Поезд Шарққа томон боради». Бадиий фильм.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

12 май, якшанба

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Ўқувчиларнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Бондарь билан учрашуви. 10.25 — Спортлото. 10.35 — «Тўйдан олдин Йильга саёҳат». Бадиий фильм. 12.00 — Концерт. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Телефильмлар. 16.05 — Концерт. 16.35 — Мультфильм. 16.45 — Рус тили. 17.15 — «16 ёшгача ва ундан катталар». 18.00 — Спорт гимнастикаси. Европа чемпионати. 18.45 — «Камалак». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Ҳужжатли фильм. 19.50— Букри тойчоқ». Фильм-спектакль. 21.30 — «Время». 22.05 — Ҳужжатли экран. 23.05 — «Дунё воқеалари». 23.20 — Спорт гимнастикаси. Европа чемпионати. 00.05 — Тинчлик велопойгаси.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Телефильм. 9.35 — География. 10.05 — Инглиз тили. 11.05 — Табиатшунослик. 11.35 — Тарих. 12.05 — А. Прокофьев поэзияси. 13.10 — Астрономия. 13.40 — Музика. 14.30 — «Пабло Пикассо—коммунист рассом». 15.20 — В. Виков. Асарлари саҳифаларида. 16.15 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ўқитувчига — музика сабоги. 19.50 — «Экранда — Сибирь». 20.00 — Бадиий гимнастика. Халқаро мусобақа. 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар!» 20.45 — Телефильм. 21.00 — Дзюдо. Европа чемпионати. 21.30 — «Время». 22.05 — «Ҳаётим сенинг қўлингда». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — «Ахборот». 10.20 — Волалар учун фильм. 11.30 — Физика. 12.00 — Телефильм. 12.30 — Химия. 13.00 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Қизиқарли учрашувлар. 19.00 — Музикали фильм. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Пахта» комплекс программаси. 20.15 — Халқаро аҳвол кундалиги. 20.30— «Ахборот». 20.50 — Музикали программа. 21.30 — «Время». 22.05 — «Байрам кунида». Бадиий фильм. 23.30 — Янгиликлар.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«ФАН» НАШРИЁТИ ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ НАШР ЭТДИ:

АВТОРЛАР КОЛЛЕКТИВИ. Ғўзани зараркунандалардан ҳимоя этишда интеграл системасининг элементлари. Монография. 112 бет. Баҳоси 80 тийин (рус тилида).

Унда ғўзани зараркунандалардан ҳимоя қилиш интеграл системаси бўйича тажрибалар баён қилинган.

А. ЧАМКИН. Ўрта Осиё ерларини комплекс ўзлаштиришда ижтимоий бошқариш. Монография. 152 бет. Баҳоси 1 сўм 20 тийин (рус тилида).

Китоб ижтимоий бошқариш моҳияти, унинг составини такомиллаштириш масалалари билан таништиради.

Н. ҚОСИМОВ. Ўзбек тили илмий-техникавий терминологияси масалалари. Монография. 124 бет. Баҳоси 1 сўм (ўзбек тилида).

Китобда ўзбек терминологиясига оид айрим ишларга қисқача изоҳ берилган. Рус-ча-интернационал ўзлашмалар, уларнинг аҳамияти ва тилимиздаги лингвистик хусусиятлари баён этилган. Шунингдек термин ясашнинг ўзига хос баъзи томонлари, аффиксларнинг терминологик хусусиятлари, улардан техникавий термин ясашда фойдаланиш ҳолатлари таҳлил этилиб ўринли фойдаланишга оид баъзи тавсиялар ҳам берилган.

С. АРТЕМОВ, Э. ЗАПАРОВ, Б. МАЗИТОВ, Э. ПАК. Ядро реакцияларида статистик жараёнлар. Монография. 164 бет. Баҳоси 1 сўм 10 тийин (рус тилида).

Китобда реакциянинг дифференциал кесими энергетик боғлиқлиги, енгил ва ўрта ядроларда зарядланган заррачалар тарқалиши баён этилган.

АВТОРЛАР КОЛЛЕКТИВИ. Электр система режимини оптимациялаш. Тўплам. 144 бет. Баҳоси 1 сўм 10 тийин (рус тилида).

Унда мураккаб электр тармоқлари ва энергосистема режимларини оптимациялаш бўйича тадқиқот натижалари тўғрисида фикр юритилган.

Ф. ЯКУБОВ. Материалларга механик ишлов бериш жараёнининг энергетик муносабатлари. Монография. 104 бет. Баҳоси 1 сўм (рус тилида).

Бунда деформацион жараёнлар энергобалансини анализ қилиш масалалари билан танишасиз.

Ғ. ИКРОМОВ, Г. ПЕТРОВСКИЙ. Кислородли кристалл ва шишаларда радиацион оптик эффектлар. Монография. 176 бет. Баҳоси 1 сўм 70 тийин (рус тилида).

Унда кислородли кристаллар, турли хил шишалардаги радиацион-оптик ва физикавий-химиявий ҳодисалар тадқиқоти ҳақида гап боради.

ОБ-ҲАВО

Шу кеча-кундузда ҳаво ўзгариб туради. Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё областларида ёғингарчилик бўлмайди. Фарғона водийсида кечаси қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Кундузи ёғингарчилик кутилмайди. Ғарбдан секундига 9—14 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 13—18, кундузи 26—31, Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида 23—28 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради. Кечки пайт қисқа муддатли ёмғир ёғади.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

Тошкент политехника институти коллективи сиртқи умумтехника факультетининг декани, техника фанлари кандидати, доцент

Амиржон Иноғомович ИНОҒОМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Главлити коллективи редактор В. Аъзамовага отаси

Раҳим ЭГАМБЕРДИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

РАДИО

5 МАЙ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — «Яхши кайфият». 9.30 — «Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар». 11.15 — Буюк Ғалаба саҳифалари. 12.10 —«Ишчинома». 13.00 — «Чорвадор». 14.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун эшиттириш. 15.40 — Театр микрофон олдида. 17.00 — К. Маркс туғилган кунга. 17.10 — Концерт. 17.40 — «Давр кўзгуси». 18.15 — Халқаро кундалик. 18.30 — Матбуот ходимларининг талабларига биноан концерт. 19.25 — «Ёшлик». 20.50 — Матбуот кунига. 21.00 — «Қишлоқ оқшомлари». 22.30 — Лирик концерт. 23.30 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53 16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

СПОРТ

СОВРИНЛАР ВА УРИНЛАР

● **ХОККЕЙ: Чехословакия пойтахтида бир неча кун давом этган Европа ва жаҳон чемпионати якунланди. Мусобақада Европа чемпиони бўлиб олган совет хоккейчилари жаҳон биринчилиги учун курашда бир оз сусткашликка йўл қўйдилар. Хоккейчиларимиз сўнгги учрашувни АҚШ командаси билан ўтказиб (10:3), бронза медалини қўлга киритишди. ЧССР хоккейчилари эса Канада командасидан (5:3) устун келиб, жаҳон чемпиони бўлишди.**

● **ФУТБОЛ. Биринчи лига коллективлари ўртасида навбатдаги учрашувлар ўтказилди: «Искра» (Смоленск) — «Пахтакор» — 0:0, ЦСКА — «Звезда» — 4:0. Ҳозир пахтакорчилар 11 очко билан зонадошлари орасида ягона пешқадам бўлиб туришибди.**

Р. — 05804. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. А. — 103. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12